Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Қўмитасининг бош нашри

РЎЗНОМА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН ● № 94 (20. 961) 1991 йил 18 май, шанба ● Рўзнома йилига 256 марта чиқади. ● Баҳоси 8 тийин.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ», ТАСС, ЎзТАГ ВА РЎЗНОМАМИЗ ЖАМОАТЧИ МУХБИРЛАРИ ХАБАР БЕРАДИЛАР

О. С. ШЕНИН САМАРҚАНДГА БОРДИ

Ўз мухбиримиз Самарқанддан хабар қилади:

Ўзбекистонда меҳмон бўлиб турган КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси нинг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг котиби О. С. Шенин 17 май куни Самарқанд шаҳрида бўлди.

У қадимий ва навқирон шаҳарнинг дунёга машҳур тарихий-меъморчилик обидаларини кўздан кечирди. Самарқанддаги чинни заводи, автомобиль командирлари тайёрлаш олий ҳарбий билим юрти жамоалари билан учрашди. Шаҳардаги ободончилик, қурилиш ва йўлсозлик ишларининг бориши билан қизиқди.

Шу куни вилоят ва шаҳар партия фаоллари билан учрашув бўлди. О. С. Шенин мамлакатимиздаги сиёсий ва ижтимоий аҳвол, жумҳуриятимизга қилган сафари чоғидаги таассуротлари ҳамда партия ташкилотларининг долзарб вазифалари хусусида гапирди.

Фаоллар йиғилишида КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи котиби, Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов, Самарқанд вилоят партия комитетининг биринчи котиби, халқ депутатлари вилоят Кенгаши раиси П. М. Абдураҳмонов иштирок этдилар.

О. С. Шенин Р. Р. Шредер номидаги илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг Самарқанд филиалида бўлди.

ДЕЛЕГАЦИЯ ҚАБУЛ ҚИЛИНДИ

16 май куни Ўзбекистон ССР Президенти И. А. Каримов «Штахель—Хардмеер» корпорацияси директорлар кенгашининг раиси Оливер Штахель бошчилигидаги Швейцария савдо-саноат доиралари делегациясини қабул қилди.

Бўлиб ўтган суҳбат чоғида ўзаро фойдали савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш масалалари муҳокама қилинди.

Суҳбатда Ўзбекистон ССР Президент Кенгашининг аъзолари — Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Б. С. Ҳамидов, жумҳуриятташқи ишлар вазири С. О. Азимов қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

ПИЛЛА ТАРОЗИГА ҚЎЙИЛДИ

АНГОР районидаги «Октябрь 50 йиллиги» жамоа хўжалигининг аъзоси Насиба Норкелдиева пилла теришга киришди. Икки қути ипак қуртини парвариш қилиб, биринчи кунининг ўзида район пилла қуритиш корхонаси тарозисига 100 килограммдан зиёд ҳосил қўйди.

Бу қутлуғ иш гўё басма-басга бошлаб юборилди. Карл Маркс номли, Маматқул Азизов номли жамоа хўжаликларининг бир қатор пиллачилари дастлабки кундаёқ шахсий режаларини адо этдилар. Ноҳияда бу йил 2818 қути қурт боқилди. Мўлжал умумий пилла ҳосилини 170 тоннага етказиш.

— Утган йили биз давлат буюртмасидан зиёда бўлган 18 тонна пиллани ташқи бозорда ўзимиз сотдик, — дейди пилла қуритиш корхонаси директори Аҳмад Сарибоев. — Бу иш бизни бозор иқтисодиётига озроқ ўргатгандай бўлди. Эндиликда кўпроқ пиллачиларнинг манфаатларини кўзловчи тажрибаларга қўл урамиз.

О. УСАНОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Наманган районидаги Ленин номли колхозда беда ўрими уюшқоқлик билан олиб борилмоқда. Моҳир механизатор Зокиржон Мирзабоев кунига 4—5 гектар майдондаги яшил озуқани ўраётир. Ҳар гектар майондан олинаётган ҳосил эса 35 центнерни ташкил этмоқда. Умуман бу йил хўжалик озуқакорлари 181 гектар майдондаги беда ҳосилдорлигини 200 центнердан оширишни режалаштиришган.

Суратда: жамоа хўжалиги раиси Абдуғаппор Жалилов, бригада бошлиғи Зокиржон Бекмирзаев ва онлавий пудратчи Абдусаттор Фозилов.

П. АКБАРОВ туширган сурат.

ЖИҒАРИСТОН: ТОЖИКИСТОН САХОВАТИ

- 50 минг сўм армуғон этилди
- Ўзбекистон маданияти кунларига тайёргарлик
- Икки халқ қардошлиги ва дўстлиги абадийдир

ДУШАНБЕ. (телефон орқали). Шаҳар ижроия комитетининг раиси Мансур Икромов:

— Тожикистон жумҳуриятининг пойтахти бутун аҳолиси ва серқуёш диёримиз барча меҳнаткашлари бизнинг қадимий қондош ва қардош дўстларимиз — ўзбек халқи бошига тушган мусибат муносабати билан чексиз қайғурдилар. Ангрендаги Жигаристон қишлоғида юз берган табиий офат оқибатида қурбон бўлган кишиларнинг фожиаси ва бу табиий кўргилик натижасида безовта бўлган кишиларнинг кечирган оғир кунларига ғоятда ачиндик. Тожик халқи Жигаристон қишлоғидаги офат оқибатларини тугатишда яқиндан маънавий ва амалий мадад беришга тайёрдир. Чунки тожик ва ўзбек халқларининг қардошлиги ва дўстлиги тарихи узоқ асрларга бориб тақалади. Агар тарих саҳифаларини варақласак, жуда кўп буюк алломалар бўлган ота-боболаримизнинг номларини санаб ўтиш мумкин. Буларнинг орасида Абдураҳмон Жомий билан Алишер Навоийнинг дўстлиги, Ғафур Ғулом билан Мирзо Турсунзоданинг яқин биродарлик алоқалари икки халқ ўртасидаги алоқаларимизни ҳамиша давом эттиришда рамзий кўприк воситасини ўтайди. Тожик халқи бошига тушган ташвишли кунларда ўзбек биродарларимиз ҳар томонлама яқиндан мадад қўлларини узатдилар. Улар Шарора қишлоғида зилзила оқибатларини бартараф этишда қудратли механизмлар ва қурилиш материалларини етказиб бериб, катта саховат кўрсатган эдилар. Биз бундай ҳимматни ҳеч қачон унутмаймиз.

Икки халқимизнинг қудратли дўстлигидан келиб чиқиб, биз Жигаристон қишлоғига яқиндан ёрдам бериш мақсадида алоҳида тадбир белгиладик. Ангрен шаҳрининг саноат-қурилиш банки қошида ишлаб турган 00700752 ҳисоби, 734547 код белгисига 50 минг сўм пул ўтказдик. Бу ишни амалга оширишда Душанбедаги «Экпресс» тижорат банкининг маъмурияти яқиндан ёрдам берди.

Гап армуғон этиладиган ҳаднинг миқдорида эмас, балки бир-биримизнинг муҳаббатимиз теран илдизлар отганлиги ва бир-биримизга бўлган чексиз ҳурматимиздадир.

Шу кунларда бутун Тожикистон жумҳурияти яна бир хайрли ишга тараддуд кўрмоқда. У ҳам бўлса 10 июнь куни диёримизда бошланадиган Ўзбекистон маданияти кунларидир. Дўстлик байрами бошланадиган куни биз Ўзбекистондан ташриф буюрадиган барча дўстларимиз — адабиёт ва санъат арбобларини, маданият ходимларини қучоқ очиб қарши оламиз. Ўзбекистон маданияти кунлари Душанбе шаҳридаги Борбад номидаги катта киноконцерт залида тантанали вазиятда очилади. У ерда икки халқ санъаткорлари иштирокида намойиш этиладиган катта концертдан кенг томошабинлар давраси баҳраманд бўлади. Ўзбек киночилари яратган энг яхши асарлар Жомий номидаги кинотеатрда намойиш этилади.

Ўзбек меҳмонларимиз Душанбедаги тўқимачилик комбинати ва «Гулдаст» бирлашмасида биродарлари билан дўстлик учрашувларини ўтказадилар. Ана шундай тадбирлар Ленин номидаги Тожикистон давлат дорилфунуни ҳамда Тиббиёт олийгоҳида ҳам ташкил этилади. Маданият кунлари қатнашчилари Тожикистоннинг Кўлоб, Қўрғонтепа, Помир, Хўжанд каби шаҳарларига зиёрат қиладилар, кўпгина диққатга сазовор жойларни томоша қиладилар, қардошлари билан яқин оға-инилардек мулоқотда бўладилар.

Пайтдан фойдаланиб жумҳуриятингиз барча халқларига сиҳат-саломатлик, омонлик ва фаровонлик тилайман.

А. ПУЛАТОВ.

Ташкилот комитетининг мажлиси

«Ишбилармонларнинг Тошкент учрашуви» бошланишига ҳали бир ой бор, лекин ўз аҳамияти жиҳатидан мислсиз бу анжуманга тайёргарлик ишлари қизғин бормоқда.

Ташкилот комитетининг 17 май куни бўлиб ўтган навбатдаги мажлисида барча хизматларнинг аниқ иши билан боғлиқ кенг доирадаги масалалар муҳокама қилинди. Хусусан, Ўзбекистон ҳақида маълумотномаларни, ташқи иқтисодий фаолиятни тартибга солувчи асосий меъёрий ҳужжатларни тайёрлаш учун масъул шахсларнинг ахборотлари тингланди.

Мажлисда «Ишбилармонларнинг Тошкент учрашуви»да қатнашадиган Ўзбекистон ССР делгациясининг таркиби тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

Эслатиб ўтамиз, бўлажак учрашувда жаҳондаги ўнлаб мамлакатлар йирик компаниялари, фирмалари ва банкларининг вакиллари қатнашади. Анжумандан асосий мақсад — ишбилармонларни Ўзбекистоннинг иқтисодий имкониятлари билан таништиришдан, ўзаро манфаатли битимлар тузишдан, қўшма корхоналар барпо этишдан иборат.

Ташкилот комитетининг мажлисини Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосари Б. С. Ҳамидов бошқарди.

(ЎзТАГ).

ЯНГИЛИКЛАР ЭЛ ДАСТУРХОНИГА

● **ҚУҚОН нон маҳсулотлари комбинати цехларини қайта жиҳозлаш ишлари бошлаб юборилди. Бу мақсад учун 5 миллион сўмга яқин маблағ сарфланади. Юксак унумли жиҳозлар, жумладан, Швециядан келтирилган янги пиниянинг ўрнатилиши туфайли унумдорлик янада ошади.**

Бу ерда ҳар кварталда 7 минг тоннадан зиёд олий навли ун тайёрлаш мўлжалланмоқда.

● **ОҚДАРЕ районининг Лойиш қишлоғида сут маҳсулотларини қайта ишлайдиган корхона фойдаланишга топширилди. Бир сменада ўн тонна сут қайта ишланаётир. Яқин кунлар ичида сариёғ тайёрлаш цехи ишга туширилади.**

НАРХЛАР МУВОЗАНАТИ ТИКЛАНСИН

● **КПСС Марказий Комитети деҳқончилик сиёсати комиссиясининг мажлиси бўлди. Мажлис КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Марказий Комитет котиби Е. С. Строев раислигида ўтди. Бозор муносабатлари шароитида деҳқончилик саноати мажмуи фаолиятининг ҳаётий муҳим муаммоларини ҳал қилиш билан боғлиқ масалалар атрофлича кўриб чиқилди.**

Мазкур йилда дон харид қилиш сиёсати тўғрисидаги масала ҳам мажлис қатнашчиларининг диққат-марказида бўлди. Нархлар мувозанатини тиклаш — нуқул амалий туздаги ишгина эмас, ҳозир бу — партия деҳқончилик сиёсатининг энг муҳим йўналишидир. Жамиятимиз шу сиёсат амалда рўёбга чиқарилишидан ниҳоятда манфаатдор эканлиги алоҳида уқтирилиб ўтилди.

ЛАВОЗИМЛАРГА ТАЙИНЛАНИШДИ

● **СССР Олий Кенгаши палаталари мажлисида мамлакат ҳаётидаги муҳим ҳаётий масалалар билан бирга кадрлар масаласи ҳам кўриб чиқилмоқда. Палаталарнинг қўшма мажлисида СССР Бош вазирининг янги ўринбосарлари тайинландилар.**

В. И. Шчербаков СССР Бош вазирининг биринчи ўринбосари ҳамда иқтисодиёт ва таҳминлаш вазири, Н. П. Лаверов давлат фан ва технологиялар қўмитасининг раиси этиб (бунда у ҳукумат бошлиғи ўринбосари лавозимини сақлаб қолади) тайинландилар.

Депутатлар Тожикистон Компартияси Марказий Комитети котиби бўлиб ишлаган Б. Ф. Раҳимовнинг СССР Бош вазирининг ўринбосари этиб тайинланишига розилик бердилар.

ҲУКУМАТГА АЁЛ БОШЧИЛИК ҚИЛАДИ

● **ФРАНЦИЯнинг янги ҳукумати тузилди. Мамлакат тарихида биринчи марта аёл ҳукуматга бошчилик қилади. 57 ёшли Эдит Крессон бош министр бўлди.**

Франция президенти Франсуа Миттеран мамлакатнинг 29 вазири тайинланганлигини, улар орасида беш аёл борлигини эълон қилди.

УЮШМАНИНГ КОТИБИ

● **1945 йилда Араб давлатлари уюшмаси тузилган эди. Уюшма 21 мамлакатни бирлаштиради.**

Куни кеча уюшманинг янги бош котиби сайланди. Миснинг собиқ ташқи ишлар вазири Исмат Абдумажид шу лавозимни эгаллайди.

• Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи Президентининг

ФАРМОНИ

ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ БАЗАВИЙ ТАРМОҚЛАРИНИНГ БАРҚАРОР ИШЛАШИНИ ТАЪМИНЛАШГА ОИД ЭНГ МУҲИМ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Халқ хўжалиги мушкул аҳволга тушиб қолди. Ишлаб чиқариш пасаймоқда, миллий даромад ҳозиргинг ўзидаёқ ўн фоиз камайди. Хўжалик алоқаларининг бузилиши минглаб корхоналарнинг тўхтаб қолиш хавфини келтириб чиқармоқда. Миллионлаб кишилар ишсиз қолишлари мумкин.

Вазият аввало базавий тармоқларда алоҳида ҳаракат қилишни талаб этмоқда, барча корхоналарнинг нормал ишлаши шу тармоқларга боғлиқ.

Иқтисодиётни тангликдан чиқариб олиш юзасидан СССР Олий Кенгаши қўллаб-қувватлаган дастурга, СССР Президенти билан жумҳуриятлар олий мансабдор шахсларининг 1991 йил 23 апрелдаги қўшма баёнотига асосланиб **қарор қиламан:**

1. СССР Вазирлар Маҳкамаси, жумҳуриятларнинг ҳукуматлари электр-энергетика, кўмир, нефть, газ, кимё, нефтни қайта ишлаш саноати, металлургия ва темир йўл транспортининг узлуксиз ишлашини таъминлаш юзасидан энг зарур чора-тадбирларни кўрсинлар.

Мазкур тармоқларнинг корхоналари учун 1991 йил мобайнида қўжалик юритишнинг, меҳнатни ва ишлаб чиқаришни рағбатлантиришнинг устивор шарт-шароитлари қўлланилсин. Айни вақтда давлат буюртмаларининг ва хўжалик шартномаларининг бажарилиши учун, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини бузганлик учун корхоналар ходимларининг масъулияти, шу жумладан моддий масъулияти ҳам оширилсин.

2. Базавий тармоқларнинг корхоналарига ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг 10 фоизигача бўлган қисмини (аниқ миқдорни жумҳуриятларнинг ҳукуматлари белгилайди) шартномавий нархлар билан ички бозорда мустақил сотиш ёки белгиланган тартибдаги лицензияларга мувофиқ чет элга сотиш (экспорт учун мажбурий маҳсулот етказиб бериш топшириғи бажарилган тақдирда) ҳуқуқи берилсин.

3. Нефть, газ, кимё, нефтни қайта ишлаш ва металлургия саноатида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмларини тиклаш ва кўпайтириш мақсадида 1991 йил учун фавқулодда тадбир сифатида шу йилнинг январь-апрель ойларидаги ҳақиқий иш кунлари (вақти) учун ўртача кунлик ишлаб чиқаришдан ортиқча маҳсулот ишлаб чиқариш кўпайишининг (натура ҳолида) ҳар фойизи учун мазкур тармоқларнинг корхоналардаги ойлик истеъмол фонди беш фоиз кўпайтирилади. Бунинг учун корхоналар ихтиёрида қолган даромаддан фойдаланилсин, фойда етмаган тақдирда эса бюджетга тўланадиган бадаллар камайтирилсин.

СССР Энергетика ва электрлаштириш вазирлиги, СССР Кўмир саноати вазирлиги, СССР Темир йўл вазирлиги 1991 йил учун қабул этилган ва шу тармоқлар ходимларининг иш ҳақини уларнинг меҳнат натижаларига боғлиқ равишда анча оширишни кўзда тутадиган қарорлар сўзсиз бажарилишини таъминласинлар.

4. Халқ депутатлари маҳаллий Советлари уларнинг ижроия ва бошқарув органлари базавий тармоқлар корхоналарининг фаолиятига ғайриқонуний аралашишга йўл қўймай, уларнинг ишига ҳар томонлама кўмаклашишни таъминласинлар.

Белгилаб қўйилсинки, корхоналар ўртасидаги, шунингдек корхоналар билан ҳар қандай даражадаги бошқарув идоралари ўртасидаги низолар СССР олий ҳакамлик суди ва Иттифоқдош жумҳуриятларнинг тегишли ҳакамлик идоралари томонидан кўриб чиқилади.

5. Ушбу Фармоннинг 1-моддасида кўрсатилган тармоқларда 1991 йилда алоҳида иш тартибининг баъзи тадбирларини жорий этиш зарур, деб топилсин. «Жамоа меҳнат низолари (можаролари)ни ҳал этиш тартиби тўғрисида»ги СССР Қонунининг меҳнат низоси (можароси)ни ҳал этиш воситаси сифатида ишни тўхтатишга йўл қўймайдиган 11-моддаси кўмир, нефть, газ, кимё ва нефтни қайта ишлаш саноати, металлургия барча корхоналарига жорий этилсин.

Белгилаб қўйилсинки, ишлаб чиқаришни издан чиқарадиган ёки корхоналар ҳудудида жамоат тартибини бузадиган шахслар, агар уларнинг хатти-ҳаракатлари ўз характери жиҳатидан жиноий жавобгарликка тортилмайдиган бўлса, қонунга мувофиқ маъмурий ва моддий жавобгарликка тортиладилар.

6. СССР Вазирлар Маҳкамаси, Иттифоқдош жумҳуриятларнинг ҳукуматлари ушбу Фармоннинг амалда рўёбга чиқарилишини таъминлайдиган қарорларни икки ҳафта муддатда қабул этсинлар, шунингдек СССР Олий Кенгашига тақдим этиш учун СССР Қонун ҳужжатларига алоҳида иш тартибини таъминлаш учун зарур бўлган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни тайёрласинлар.

7. Ушбу Фармон матбуотда эълон қилинган пайтдан бошлаб кучга киради.

Совет Социалистик Республикалари Иттифоқининг Президенти

М. ГОРБАЧЕВ.

Москва, Кремль.
1991 йил 16 май.

19 МАЙ — В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ БУТУНИТТИФОҚ ПИОНЕР ТАШКИЛОТИ ТУҒИЛГАН КУН

БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК!

● Ўзбекистонда В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ пионер ташкилоти туғилган кунни нишонлашга тайёргарлик кўрилмоқда. У 19 май куни байрам қилинади.

— Пионерлар байрамининг катта, ранг-баранг программаси тайёрланган, — дейди республика пионер ташкилотининг раиси М. Раҳимбердиева. — Республика шаҳарлари ва районларида тантанали линейкалар, ёш ленинчиларнинг ва пионер ходимларининг партия ва ҳукумат раҳбарлари, СССР ва Ўзбекистон ССР халқ депутатлари билан учрашувлари ўтказилмоқда.

● 16 май куни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетига республиканинг барча вилоятларидан пионер вожатийлар ва пионерлар иши фаоллари, ўқиш аъзоларилари ва республика олимпиадаларининг ғолиблари, ёш шоирлар, созандалар, рассомлар келишди. Бу ерда В. И. Ленин номидаги Бутуниттифоқ пионер ташкилоти туғилган кун шарафига тантанали қабул маросими бўлиб ўтди.

Йиғилганлар ҳузурида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби К. Ю. Юсупов нутқ сўзлади. У Ўзбекистон Компартиясининг болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасидаги сиёсати тўғрисида, республика ҳукумати ёш истеъдодларни қўллаб-қувватлаш, ёш авлодни тарбиялаш билан боғлиқ барча ишларни яхшилаш учун кўраётган тадбирлар ҳақида гапириб берди.

Суҳбат чоғида республика пионер ташкилоти иш шакллари ва усулларини янгилаш масалалари, бошқа долзарб муаммолар тўғрисида сўзлашилди. Компартия Марказий Комитетининг котиби учрашув иштирокчиларининг саволларига жавоб қайтарди.

● 17 май куни Ўзбекистон пионер ташкилотининг делегацияси Тошкентдаги Владимир Ильич Ленин ҳайкали пойига гуллар қўйди.

Шу куни Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетида пионерлар делегациясини тантанали қабул қилиш маросими ўтказилди. Тўпланганлар ҳузурида республика комсомоли Марказий Комитетининг биринчи котиби А. Н. Носиров нутқ сўзлади.

Еш авлодни тарбиялаш ишида ўрнак кўрсатган бир гуруҳ пионер вожатийларга Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг Фахрий ёрлиқлари топширилди.

(ЎзТАГ).

• *Партия турмуши: мафкура ва ҳаёт*

Райжирокўм раислигига тасдиқланган кунларим эди. Меҳнат жамоалари ҳаёти билан яқиндан танишиш учун қишлоқма-қишлоқ кезишга тўғри келди.

Наврўз кунларининг бирида йўлим Далмунга тушди. Қишлоқ оқсоқоллари даврасида гурунглашдик. Байрам дастурхони атрофида улар ёшлик йилларини эсга олишди. Паранжи ташлаш, босмачиликка қарши кураш, колхозлаштириш тўғрисида ажойиб лапарларни жўр бўлиб хиргойи қилишди. Олдин эшитмаган бу қўшиқларни ким тўқиганы билан қизиқдим. Уларнинг муаллифи Ўзбекойим экан.

КЕНГАШГАНГА—КЕНГ ДУНЁ

Далмунда бу жасоратли, полвонсифат аёл тўғрисида қизиқ ривоятлар тилдан тилга, авлоддан авлодга кўчади. Йигирманчи йилларнинг бошида халқ жумҳурияти бухоролик бу аёлни Жондор райони меҳнаткашлари ўртасида шўролар ҳокимияти учун ташвиқот олиб бориш мақсадида йўллаган экан. Далмунликлар унинг ҳақиқий исми, наслинасабини билишмас, ҳамма уни Ўзбекойим деб аташарди.

Ўзбекойим қишлоқма-қишлоқ кезиб, тўю маъракаларда созандалик қилади, шўролар ҳокимияти меҳнаткашларга келтирган озодлик ҳақида лаппарлар айтади. Унинг овозаси кенг ёйилиб, Мадаминбойнинг қулоғига етади. Қўрбоши тарғиботчи аёлни олиб келишни буюради. Кўп ўтмай уни босмачилар бошлиғига рўпара этишади. Ўзбекойим қутурган босмачилар сардорининг ёвузликлари тўғрисида кўп эшитган бўлса ҳам саволларига тап тортмай жавоб беради.

Ман-ман деган йигитлар унинг қаршисида тиз чўкиб оёғини ялашга кўниккан қўрбоши аёлнинг довюраклигига тан бериб, эсон-омон Жондор районидан чиқиб кетишни таклиф қилади.

— Шартингизга розиман,—деб жавоб беради Ўзбекойим. —Лекин ўзимнинг ҳам сизга шартим бор. Йигитларингиз билан улоқ чопамиз. Агар улардан ғолиб чиқсам, босмачилар Жондорни тарк этишсин!

— Ютқазиб қўйсанг жонингни оламан, — ваъда беради Мадаминбой.

Эртасига бутун Далмун Маллабойтепа этагидаги майдонга тўпланди. Қора тулпорни миниб майдонга чиққан Ўзбекойим босмачиларнинг қирқ чавандозини енгиб, улоқни қўлга олганича тепа сари от суриб кетди. Қўрбоши чавандозларини қамчилаганича Далмундан жўнаб қолди. Шундан кейин Жондор районида қорасини кўрсатмади. Ўзбекойим эса қишлоқда паранжи ташлаш, колхозлаштириш ишларига бош бўлди.

Бу шунчаки бир афсона эмас. Далмунда Ўзбекойимни яхши билган, у билан мулоқотда бўлган қариялар ҳалиям тирик.

Далмунлик оқсоқоллар билан ўша учрашув партиявий идеология ва ҳозирги ҳаёт тўғрисидаги мулоҳазаларимга тўртки берди. Биз, партия ходимлари қишлоқларимиз тарихи, одамларимиз ўтмиши, Совет ҳокимияти учун бўлган жангу жадаллар тўғрисида нималарни биламиз. Анъанавий халқ сайлларида, оилавий дастурхон атрофида ҳурматли оқсоқолларимиз нималар тўғрисида сўзлашини биламизми? Тарғиботчилик санъатини улардан ўрганса бўлмайдими?

Уларнинг суҳбатларини тинглаган киши ёзилмаган тарих солномасини ўқигандек бўлади. Қишлоққа кўчиб келган биринчи оила, биринчи қудуқ, биринчи қазилган ариқ, биринчи трактор... Бу тўғридаги хотиралар авлоддан авлодга кўчмоқда. Қишлоқларимизнинг номи уларнинг минг йиллик тарихидан далолат бермоқда. Муғиён, Урганжиён, Лоло, Алелича, Далмун сингари номларнинг ўзи бир китоб.

Шунинг учун ҳам жондорлик бир гуруҳ коммунист-депутатларнинг мана шу тарихимизни тиклаш бўйича ташаббусини районнинг барча меҳнаткашлари қўллаб-қувватлашди. Бу ишни қишлоқ байрамларини ўтказишдан бошладик. Уни ташкил қилишни хўжалик раҳбарлари ёки партия қўмиталари котиблари эмас, ҳурматли ветеранларимизга топширдик. Уларнинг таклифи билан бундай байрамлар Наврўз кунларида ўтказиладиган бўлди.

Бу йилги Наврўз байрамлари айниқса катта тантана билан ўтди. Зероки, ўшанда юзага келган қишлоқ оқсоқоллари кенгашлари бу даврга келиб ташкилий жиҳатдан тугал шаклланди. Бунинг замирида омма ўртасида ғоявий-сиёсий иш олиб боришнинг янги бир ташкилий шакли вужудга келди.

Бундан илгари район партия ташкилоти идеология ишида асосан хўжалик раҳбарлари, партия ва комсомол қўмиталари котиблари, бригада бошлиқларига таянар эди. Энди бўлса уларнинг сафи фаолларнинг ҳозиргача бу ишга камдан-кам жалб қилинадиган янги гуруҳлари билан кучайтирилди.

Партия ташкилоти қишлоқ оқсоқоллари кенгашларини шакллантиришдан илгари одамлар ўртасида иш олиб бориб ҳар бир қишлоқ ёки маҳалланинг норасмий етакчиларини аниқлашга киришди. Одатда бу ҳалол-покиза, ахлоқ-одоби билан ҳамқишлоқларига ибрат бўларли ветеранлар эдилар. Сирасини айтганда, бундан илгари ҳам кўп йиллар давомида қишлоқда жамоатчилик фикрини худди мана шу кишилар шакллантирар эдилар. Бироқ уларга эътибор йўқ эди.

Оқсоқоллар кенгашлари тузилганидан кейин эса унинг раислари норасмий ишбошиликдан расмий мутасаддиларга айланишди. Кенгаш таркибига раислардан ташқари хотин-қизлар кенгаши, комсомол-ёшлар ва маҳалла раҳбарлари киритилди.

Ўшандан буён икки йил бўляптики, қишлоқлардаги бутун оммавий-сиёсий, ташкилий иш мана шу кенгашлар зиммасига юкланган. Ҳозир уларнинг замирида бошланғич партия ташкилотлари тузилиб, унга фаоллар билан бирга қишлоқда яшаб хўжаликда ишламайдиган коммунистлар ҳам киритилган. Қишлоқ оқсоқоллари кенгаши ва унинг ҳузуридаги партия ташкилоти устави ишлаб чиқилиб, улар жамоат ташкилотлари сифатида рўйхатдан ўтказилди.

Ўзбекистон Компартияси Устави асосида партиявий қурилишда амалга оширилган бу ўзгариш кундалик ҳаётда катта самаралар бермоқда. Эндиликда қишлоқда биронта расмий ёки норасмий тадбир кенгашнинг йўриғисиз ўтказилмайди. Халқ депутатлари район Кенгаши тўй-маросимларни ўтказиш тартибини тасдиқлаб, унга қонуний тус берган. Кенгаш ҳаммага бир хил назар билан қарайди. Ҳеч кимга дабдабали тўй-маросим ўтказиб ҳаммани «қойил» қолдиришга рўхсат йўқ.

Қишлоқ оқсоқоллари кенгашларининг ташаббуси билан катта ободончилик тадбирлари амалга оширилмоқда. Агар 1987 йилда райондаги 127 қишлоқнинг атиги 42 таси бош планга эга бўлса, ҳозир уларнинг барчасида бу нарса бор. Ўшанда қишлоқ хонадонларининг 13 фоизи газлаштирилган эди, энди эса бу кўрсаткич деярли қирқ фоизга етди. Кейинги бир неча йилда 100 километрдан кўпроқ қишлоқ йўллари асфальтланди. Ўндан зиёд тиббиёт муассасалари, олтита ҳаммом, 50 дан кўпроқ спорт иншоотлари, қариялар чойхоналари, бошқа маданий-маиший тармоқлар қишлоқ меҳнаткашлари хизматида. Яқинда райкомнинг навбатдаги пленумида қишлоқларни ижтимоий-иқтисодий комплекс ривожлантиришнинг 1991—1995 йилларга мўлжалланган ҳаракат дастурини ишлаб чиқдик. Бунда барча қишлоқ хонадонларини табиий газ ва ичимлик суви билан таъминлаш, соғлиқни сақлаш, халқ маорифи, маданий-маиший тармоқларни кенгайтириш, аҳолини иш билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор берилди.

Бугунга келиб оқсоқоллар кенгашлари ҳузуридаги қишлоқ партия ташкилотлари меҳнаткашлар ўртасида катта обрў-эътибор қозонган. Кўлиболо қишлоғидан М. Саидов, Алелича қишлоғидан И. Акрамов, Мурғак қишлоғидан Р. Янгиев, Работ қишлоғидан И. Шарипов сингари коммунистлар ғоявий-сиёсий ишларга бош-қош бўлмоқдалар.

Айни маҳалда бозор иқтисодиётига ўтиш муносабати билан кенгашларнинг роли янада ошиб бормоқда. Хўжаликлар томонидан камбағал оилаларга, кўп болали оналарга бериладиган компенсация миқдорини ошириш, Президент фармонига биноан шахсий ёрдамчи хўжаликларни тиклаш учун моддий ёрдам кўрсатиш сингари муҳим масалалар уларнинг иштирокисиз ҳал қилинмайди. Бу эса келгусида мазкур масалада содир бўлиши мумкин бўлган ҳар қандай суиистеъмолликнинг пайини қирқиш, жамоатчилик назоратини йўлга қўйишга имкон бермоқда.

Қишлоқ оқсоқоллари кенгашлари бир қарашда майда-чуйда бўлиб туюладиган, аслида эса меҳнаткашлар турмуш фаровонлигини оширишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлган муаммолар ечимини ҳам ўз зиммаларига олишди. Жумладан, Президент фармонига кўра ҳамма қўшимча томорқа майдони билан таъминлангани ёки ёш оилаларга колхоз фермасидан бузоқ ажратилгани яхши тадбир, албатта. Лекин томорқани ўз вақтида экиб олиш учун техника берилмаса, молни қочириш учун фермага мурожаат этиш фурсати бой берилса, бунинг самараси пучга чиқиши мумкин.

Шунинг учун ҳар бир кенгаш ҳузурида ёрдамчи хўжалик уюшмаси ташкил қилиб, уни ерга ишлов бериш учун зарур барча мосламалари бўлган трактор билан таъминладик. Ҳар бир қишлоқда молларни қочириш, уларга зооветеринария хизмати кўрсатиш пунктлари очилди. Натижада бирон оиланинг томорқаси ҳайдалмай қолмаяпти. Бунинг учун ҳар бир оила ўз томорқасининг ҳар бир сотих майдони учун бир сўмдан аъзолик бадаллари тўласа кифоя.

Бу кенгашлар ташаббуси билан барча қишлоқларда ҳеч қандай сарф-харажатсиз янги савдо тармоқлари очилмоқда. Улар магазин очиш учун бир қисми бўшаб қолган шахсий уйларни танлашмоқда. Бу нарса ҳам оилага, ҳам жамоага фойда. Чунки яхши уйлар бўшаб турмайди, оиланинг бир аъзоси иш билан таъминланади. Энг муҳими, аҳолининг оддий бир нарсани сотиб олиш учун ҳам қўшни қишлоққа қатнашига ҳожат қолмайди.

Шундай қилиб, қишлоқларимиз тарихини тиклаймиз, деб ташкил қилинган оқсоқоллар кенгашлари аслида қишлоқ ҳаётининг энг муҳим бўғинига айланди.

Кенгашганга — кенг дунё, деб беҳуда айтилмаган. Халқ билан маслаҳатлашиш, ўзаро кенгашиб иш олиб бориш мамлакатимиз учун оғир бўлган шу кунларда меҳнат кишисининг руҳиятини кўтариш, барча қийинчиликларни биргаликда енгиб, маъмур турмуш сари йўл очишга кафолат бермоқда.

Ҳ. РАҲМОНОВ.
Свердлов район партия комитетининг биринчи котиби, халқ депутатлари район Кенгашининг раиси.

СОВЕТ НЕМИСЛАРИ МУАММОЛАРИ ДАВЛАТ КОМИССИЯСИДА

Давлат комиссиясининг навбатдаги мажлисида СССР Президенти М. С. Горбачевнинг совет немислари съездини тайёрлаш ташкилот комитети аъзолари билан учрашуви якунлари кўриб чиқилди.

Учрашув икки миллионли халқ тарихида муҳим босқичга айлангани таъкидланди. Волгабўйи районларида немис давлатини босқичма-босқич тиклаш зарурлигига СССР Президентининг қатъий розилигини амалда рўёбга чиқаришни ташкил этиш масалалари комиссия аъзолари муҳокамасида марказий ўринни эгаллади.

РСФСР Вазирлар Кенгаши Раисининг биринчи ўринбосари О. И. Лобовнинг Россия Федерацияси ваколатига кирадиган масалаларни муҳокама қилиш учун совет немислари съездига тайёргарлик кўриш ташкилот комитетининг аъзолари билан учрашуви тўғрисида ахдлашувга эришилди.

РСФСР, Қозоғистон ССР, Қирғизистон жумҳурият Вазирлар Кенгашларига мазкур жумҳуриятларда, шу жумладан Олтой ўлкаси, Омск ва Оренбург вилоятларида немисларнинг миллий районлари ва қишлоқ советларини тиклашга доир мавжуд таклифларни аниқ-равшан кўриб чиқиб, муҳокама қилиш тавсия этилди.

Мажлисда совет немислари биринчи съездини чақириш муддати тўғрисидаги масала ҳам муҳокама қилинди. СССР Президенти билан учрашув съезд ўтказиш муддатини анча яқинлаштиришга имкон бериши уқтирилди. Бу эса совет немисларининг орзу-умидларига мос келади. Ташкилот комитетига совет немислари биринчи съездини шу йил июль ой охири—август ойининг биринчи ўн кунлигидан кечикмай ўтказишни тавсия этиш зарур, деб ҳисобланди.

Ташкилот комитети аъзоларига, СССР Президенти билан бўлган учрашув қатнашчиларига аҳоли ўртасида тушунтириш ишлари ўтказиш учун совет немислари зич бўлиб яшайдиган ерларга бориш таклиф этилди.

Вазифалар кўпайганлиги муносабати билан ташкилот комитети раҳбариятининг ўз таркибини бир қанча янги аъзолар билан тўлдириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинди. Ташкилий ишлар бўйича ташкилот комитети раисининг ўринбосари этиб Томск дорил муаллимининг декани В. А. Бауэр тасдиқланди.

Мажлисни совет немислари муаммолари давлат комиссиясининг раиси В. К. Гусев олиб борди.

(ТАСС).

БОЗОР ИҚТИСОДИЁТИ ВА АГРАР ФАН

● 17 май куни Тошкентда В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академияси Ўрта Осиё бўлимининг йиллик умумий йиғилиши бўлди. Унда академия Ўрта Осиё бўлимидаги академиклар ва мухбир-аъзолар, бошқа илмий ходимлар, партия ва совет идораларининг вакиллари иштирок этдилар.

Йиғилиш бўлимнинг ўн иккинчи беш йилликдаги ва 1990 йилдаги илмий-ишлаб чиқариш ва ташкилий фаолиятини кўриб чиқди, аграр фаннинг бозор иқтисодиёти шароитидаги вазифаларини муҳокама қилди.

Йиғилиш қатнашчилари шу даврда бўлим раёсатининг, тармоқ шўъбалари ва илмий-тадқиқот муассасаларининг фаолияти озиқ-овқат дастури муаммоларини ҳал қилишга, қишлоқ хўжалик фанининг энг муҳим йўналишлари юзасидан ғоят муҳим ва амалий тадқиқотларни ривожлантиришга, бозор муносабатларига ўтиш шароитида деҳқончилик-саноат ишлаб чиқаришига амалий ёрдам кўрсатишга ва айрим бошқа долзарб масалаларни ҳал этишга қаратилганлигини таъкидладилар.

Жумладан, Орол денгизи ҳавзасида қишлоқ хўжалигини юритиш муаммоларини ўрганишнинг минтақа дастури ишлаб чиқилди, у минтақадаги экология ва санитария ҳолатини яхшилашга қаратилган.

Ўзбекистонда 2015 йилгача фан-техника тараққиётини ривожлантиришнинг жадал технологияларини ишлаб чиқиб жорий этишга, ўсимликларнинг тезпишар навлари ва дурагайларини, ҳайвонларнинг янги зотларини яратишга, тупроқ унумдорлигини оширишга, деҳқончилик-саноат комплекси ижтимоий масалаларини ҳал қилишга, бозор иқтисодиёти шароитида ишлаб чиқариш муносабатларини такомиллаштиришга қаратилган концепция тайёрланди.

«Союзхлопок» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида ингичка толали пахтанинг «Термиз-16» нави ва ўрта толали «Андижон-9» ҳамда «Бухоро-6» навлари яратилди ва ишлаб чиқаришга жорий этилди. Яна 11 та янги нав давлат синовига топширилди. Юмшоқ ва қаттиқ буғдойнинг, арпа ва шолининг бир неча навлари ҳам давлат синовидан ўтмоқда. Узум, помидор ва қовуннинг Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академияси Ўрта Осиё бўлимининг ташкилотларида яратилган янги серҳосил ва тезпишар навлари районлаштирилмоқда.

Чорвадорлар, ветеринарлар ҳамда бошқа мутахассис олимларнинг ишида ҳам муайян ютуқлар бор.

Йиғилишда таъкидлаб ўтилганидек, шу ютуқлар билан бир вақтда бўлим ҳамда унга бўйсунувчи ташкилотларнинг фаолиятида ҳали кўпгина камчиликлар бор. Чунончи, селекция билан шуғулланувчи муассасалар ғўзанинг кўп тола чиқадиган навларини яратишга ҳали ҳам кам эътибор бермоқдалар. Уруғчилик ишларининг аҳволи қониқарли эмас. Районлаштирилган навларнинг хоссаси тезда ўзгариб қолаётганининг сабаби мана шунда.

Илмий-тадқиқот ишларини ташкил этишда ҳамда фаннинг ўсимликларни ҳимоя қилиш соҳасидаги ютуқларини жорий этишда камчиликлар кўп. Ўсимликларни касалликлардан, зараркунандалар ва бегона ўтлардан ҳимоя қилишнинг ишончли биология усуллари ҳанузгача яратилмаган.

Бўлим раёсати ва илмий-тадқиқот муассасалари сувдан оқилона фойдаланиш муаммоларини ишлаб чиқишга ҳали ҳам етарли эътибор бермаётирлар. Пахтачиликда ва бошқа тармоқларда суғоришни механизациялаш ва автоматлаштириш масаласи яхши ишлаб чиқилмаган ёки умуман ишлаб чиқилмаган. Бўлим раёсати таркибида ҳатто шу вақтгача ана шу муаммоларга доир тадқиқотларни мувофиқлаштирувчи марказ йўқ.

Йиғилиш қатнашчилари қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини комплекс механизациялаш ва электрлаштириш даражаси ҳозирги талабларидан орқада қолаётганлигини яна бир бор таъкидладилар. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг нобуд бўлишини камайтириш муаммолари ҳал қилинмаяпти, қўл меҳнатининг даражаси, машина технологияларининг энергияга талаби юқорилигича қолмоқда. Пахтачилик учун машиналар яратиш тармоқлараро илмий марказини барпо этиш ўчун сарфланган миллионлаб сўм пуллар кутилган натижани бермади.

Бундан ўн йил муқаддам тузилган «Дефолиант» илмий маркази ҳам олдига қўйилган вазифаларни ҳал қилмади. Бу марказ тавсия этган дорилар янги эмас ва самараси жиҳатидан мавжуд дефолиантлардан паст туради.

Деҳқончилик иқтисодиёти фанидаги тадқиқотлар даражаси ҳамон кўп эътирозларга сабаб бўлмоқда. Ўрта Осиё Қишлоқ хўжалик иқтисодиёти илмий текшириш илмгоҳининг мавзулар режасида асосан аввалги йиллардаги тадқиқотларни давом эттириш кўзда тутилмоқда, бозор муносабатларига ўтишнинг ҳозирги пайтида истиқболли мавзулар кам.

Бу камчилик ва нуқсонларнинг сабаби аввало шундаки, юқори малакали, сергайрат илмий ходимлар етишмаяпти. Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академияси Ўрта Осиё бўлимида атиги 52 фан доктори ишламоқда, бунинг устига уларнинг учдан икки қисмининг ёши 50 дан ошиб кетган. «Дон», «Ғўза селекцияси ва уруғчилиги», «Ипак» каби илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаларида фақат биттадан фан доктори ишламоқда. Ўзбекистон Шоли илмий-тадқиқот илмгоҳида, Қорақалпоғистон Дон илмий-тадқиқот илмгоҳида, луб экинлари Ўзбекистон тажриба станциясида эса фан докторлари умуман йўқ. Р. Р. Шредер номидаги илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасида илмий кадрларни тайёрлаш иши жуда суст йўлга қўйилган.

Бўлимнинг йиллик йиғилиши ана шу масалаларни муҳокама қилиб, В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академиясининг Ўрта Осиё бўлими раёсатига янги хўжалик шароитида фаннинг концепцияси ва иқтисодий фаолиятини ишлаб чиқишни давом эттиришни, маъмурий бошқарув тизмасига бўйсунмайдиган, мустақил, ўзини ўзи бошқарадиган ташкилот сифатида Ўзбекистон қишлоқ хўжалик фанлари академиясини ташкил этиш тўғрисидаги масалани ҳал қилишни, В. И. Ленин номли Бутуниттифоқ қишлоқ хўжалик фанлари академияси, Ўзбекистон ССР ва бошқа жумҳуриятларнинг фанлар академиялари билан илмий алоқаларни мустаҳкамлаш ишларини кучайтиришни тавсия қилди.

Йиғилиш ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби А. И. Икромов қатнашди.

(ЎзТАГ)



● Фарғона вилоятидаги Қува туманида кичик корхоналар қуриш тармоғи кенгайиб бормоқда. Бир йил илгари гилам тўқиш цехи қурилганди. Бу ерда меҳнат қилаётган 33 киши ой сайин 10 тадан гилам тўқиб чиқармоқда.

СУРАТЛАРДА: гилам цехининг умумий кўриниши ва илғор тўқувчилардан Мавлуда Иминова.

У. ҚУШВОҚОВ олган суратлар.

МАХТУМҚУЛИГА БАҒИШЛАНГАН ЭСДАЛИК ТАНГА

СССР Давлат банки туркман шоири ва мутафаккири Махтумқулига бағишланган бир сўмлик эсдалик тангани муомалага чиқарди.

Бир сўмлик эсдалик танга оқ тусдаги мис-никель қотишмасидан тайёрланган бўлиб, диаметри 31 миллиметрли доира шаклидадир.

Туркман шоири ва мутафаккири Махтумқулига бағишланган эсдалик танга 2,5 миллион дона, шу жумладан 0,35 миллион донаси алоҳида сифатли қилиб чиқарилмоқда.

Эсдалик танга тўловларнинг ҳамма турлари, шунингдек жорий ва ҳисоб варақаларига ўтказиш, жамғармасини омонатга қўйиш, аккредетивлар ва пул жўнатиш учун унда кўрсатилган қиймати билан ҳеч қандай чеклашсиз қабул қилиниши шарт.

ИЖАРАЧИЛАР ЮТУҒИ

Холмон Ҳасанов бундан беш йил аввал Ульянов районидаги «Ғалаба» давлат хўжалигининг чорвачилик фермасини ижарага олганди. У бошлиқ жамоа ҳамиша режаларини ортиғи билан бажариб келади. Яқинда чорвадорлар ғўшт тайёрлаш ярим йиллик режасини муддатидан илгари бажаришди. Қабул пунктига 66 тонна ўрнига 68,5 тонна сўким ғўшти топширилди. Мейлиқул Раҳимов, Абдусамад Хўжамов, Маҳмадмусо Раҳимов, Жума Неъматуллаев каби бўрдоқибоқарлар бу ишда кўпчиликка ибрат бўлишди.

Ж. ЮСУПОВ.

Маиший мавзуда

ТАЛАБАНИНГ ИККИНЧИ УЙИ

Ётоқхонани иккинчи уй дейишади. Чиндан ҳам шундайми? Тошкент шаҳар Соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси санитария-эпидемиология станцияси ходимлари билан биргаликда яқинда талабалар истиқомат қилаётган айрим ётоқхоналарда бўлиб, ҳақиқий аҳволни кўрдик.

Талабалар шаҳарчасидаги Тошкент политехника институтининг 22-ётоқхонасидамиз. Комендант Қумри Ғиёсова бизни қарши олди. Мақсадимизни англаб хона, кутубхона ва ошхона, санузелларни кўрсатишдан бошлади.

Ҳаммаёқ озода, саранжом саришта. Қайси хонага кирсак йиғиштирилган, столдаги чироқдан тортиб, стол, стулларгача тартиб билан териб қўйилган. Деворларга илинган шиорлар, эълонлар ва билдирувлар ҳам ўзбек ва рус тилларида чиройли қилиб ёзилган.

— Ҳуснитдин Сайдалиев бўламан. Пайариқликман. тўрт йилдан бери шу ерда истиқомат қиламан. Бу шаҳарда мен учун энг иссиқ жой мана шу ётоқхона ҳисобланади. Биз талабалар учун ҳамма шароит бу ерда етарли. Баъзан ошна-оғайниларни излаб бошқа ётоқхоналарга бориб тартибсизликлардан хуноб бўламан.

Шунга ўхшаш илиқ гапсўзларни ангорлик талаба Чори Усмонов ва бошқалардан ҳам эшитдик. Бу ерда талабаларга яратилган шарт-шароитларни кўриб, чорак асрдан бери ёшларга меҳрибонлик қилиб келаётган Қумри Содиқовнага раҳматлар айтиб хайрлашдик.

Худди шундай саранжом саришталикни Тошкент 1-тиббий олийгоҳининг биринчи ва иккинчи ётоқхоналарида ҳам кўрдик. Бизни очиқ чеҳра билан кутиб олган комендантлар Р. Сазанова билан И. Райсаялар мақсадимизни эшитиб, ҳатто, қувониб кетишди. Улар ўз ётоқхоналари эшикларини бир-бир очиб кўрсатиш билан бирга йигирма тўрт йиллик тажрибалари билан самимий ўртоқлашдилар.

Охунбобоев номидаги республика тиббиёт билим юрти 2-ётоқхонасига келиб юқори қаватига кўтарилдик. 27 (секция) бўлинманинг 4-хонасидаги қизчалар ғуж бўлиб бир бурчакка тиқилишиб ўтиришарди. Полга тарелка, челак, шиша идиш, латта-путталар қўйиб ташланганди. Шипга қарасак чак-чак сув томчиляпти.

Бошқа хоналар-чи? Эшиклардан мўралаймиз. Кўрганимиздан баттар бўлса борки, эплиси йўқ. Эшиклар синган, қулф-калитлари йўқ. Тутқичлар ҳам анқонинг уруғи. Қулфлар олиб қўйилавериб эшикларда мушт қирадиган даражада ёриқлар қолган. Бошқача айтганда худди эшикнинг кераги йўқдай. Деразалар ёпилмайди, унинг синган ойналарига қоғоз елимланган ёки латтапутта, ёстиқлар тиқилган. Стол, стуллар етишмайди. Кўпчилик қизлар қалин китобларни тиззасига қўйиб дарс тайёрлашаяпти.

Хуллас, жумҳуриятимизнинг турли вилоятларидан бу ерга келиб таълим олаётган қизлар бирпасда сон-саноқсиз муаммоларни айтиб, бизни ўраб олишди.

— Ҳақиқатан ҳам ётоқхонамиз ёмон аҳволда, томи тешилиб чакка ўтаётганига ҳам бир неча йил бўлди,— дейди комендант Р. Маҳкамова. — Санузеллар, душхоналар ишламайди. Қувурлар чириб кетгани учун сувимиз ҳам йўқ. Хуллас, ётоқхонамиз антисанитария ва авария ҳолатида. Ҳовлида ахлатлар уюлиб ётибди. Ўтган йили бошқа ётоқхонани зўрға бутладик. Бизга ажратилган пул-маблағ етишмагани учун ноилож миз.

Бу ердаги аҳволдан ҳафсаламиз пир бўлиб чиқиб кетаётиб биринчи қаватдаги бир ҳужра олдидаги узундан узун навбатга кўзимиз тушди. Электр йўқ, водопровод кранлари олинган. Эски моғорлаб чириб кетган самовар қайнашини пойлаб йигирма чоғли қизча ўтиришарди.

Бу кўнгилсизликлардан сўнг билим юртининг хўжалик ва ўқув ишлари бўйича директор муовинлари Ю. Абдухонимов ва Ғ. Тошхўжаевларга учрашиб кўрганкечирганларимизни айтдик.

— Бу камчиликларнинг ҳаммаси пул-маблағ билан боғлиқ. Кўпдан бери аҳволимиз шу. Жумҳурият Соғлиқни сақлаш вазирлигидан ҳам нажот бўлмаяпти. «Агар ўзимизга боғлиқ бўлгандаку», — дейишдан нарига ўтишмади.

Балки, улар ҳам ҳақдир. Лекин, наҳотки арзимаган жорий бутлаш учун ҳам бутун бир вазирлик балогардон бўлса?! Ахир, талабалар янги ётоқхона қуриб беринг, дейишмаяпти-ку?!

Жумҳуриятимизда гина эмас, балки, бутун Иттифоқ донги кетган Ўрта Осиё болалар тиббиёти олийгоҳи Ётоқхоналаримиздаги алмисоқдан қолган қувурлар яроқсиз. Таъмирлашни талаб қилсак, «маблағ йўқ» деган баҳона билан жорий бутлашнигина бажариб беришяпти, холос. Бу ёнда ҳам шу ишни қилолмасак, келгуси қишда аҳволимиз нима кечишини худо билади.

Тўғри, бугунги кунда аксарият талабалар ётоқхоналари ёмон аҳволда. Хўш, бунга ким айбдор?

Айтиш мумкинки, даставвал ўша хонадонда яшайдиган талабаларнинг ўзлари ҳам сабабчи. Ахир комендант, ёрдамчиси, фаррошлар ҳам саноқли. Қолаверса, эшик, дераза, электр, стол, стулни комендант ёки фаррош келиб кунига синдирмаса керак. Кранниям улар бузишмайди, кўчагаям улар қоғоз, эски-туски кийим ёки пойабзални улоқтиришмайди.

Халқимизда «Бир кун туз ичган жойга қирқ кун салом» деган нақл бор. Ахир талаба бу ерда бир ёки қирқ кун эмас, балки неча йиллар яшайди-ку. Наҳотки, орқа-олдимизни ўзимиз йиғиштириб ололмасак. Қишлоқдан келган ўқувчи таълим олиш билан бирга турмуш маданиятини ҳам эгалласа, қани айтингчи, бу кимга зарар, кимга фойда? Турмушда мустақиллик ҳам ана шундай кундалик майда-чуйда ишларда саранжом бўлишдан бошланади.

Талабалар яшайдиган жойларда соғ телефон топиб бўлмаслигига нима дейсиз?! Шу ҳам инсофданми? Энди ҳар бир талабани орқасидан пойлаб, уни ушлаб жарима солиб юриш керакми?

Хуллас, талаба укалар! Келинглар, катта муаммоларни маъмурият олдига кўндаланг қўяйлик-да, ётоқхоналарда ўз қўлимиздан келадиганини ўзимиз бажарайлик. Чунки, эртага бу ерда укангиз, синглингиз яшаб, таҳсил кўради. Ҳамон ётоқхона талабанинг иккинчи уйими, демак шунга яраша иш тутиш керак. Ахир, сизлар уй-жойли, саранжом-саришта оилаларнинг фарзандларисиз-ку!

У. ШОРИХСИЕВ,
Тошкент шаҳар санитария-эпидемиология станцияси ходими, ЎзССР халқ назорати қўмитасининг штатсиз ходими.

М. АВЕЗОВ,
«Совет Ўзбекистони» мах сус мухбири.

ТАРҒИБОТЧИЛАР МУЛОҚОТИ

Урганч, 17 май. (ЎзТАГ). Бугун бу ерда Хоразм вилояти тарғиботчиларининг семинари бўлиб ўтди. Компартия XXII съездида қабул қилинган Ўзбекистон коммунистлари Ҳаракат дастурини амалга оширишда мафкура ходимларининг роли ва вазифалари муҳокама қилинди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг котиби К. Ю. Юсупов мафкуравий ишларнинг долзарб муаммолари ҳақида маъруза қилди.

Семинарда Хоразм вилоят партия комитетининг биринчи котиби, вилоят Советининг раиси Р. М. Худойберганова нутқ сўзлади.

Шу куниёқ Ягона сиёсий кун доирасида К. Ю. Юсуповнинг В. И. Ленин номли Хоразм давлат дорилмуаллими жамоаси, вилоят босмахонаси ва Хоразм пойабзал бирлашмасининг меҳнаткашлари билан учрашуви бўлиб ўтди. Суҳбатлар чоғида ҳозирги кундаги долзарб масалалар, республика меҳнаткашларининг КПСС Марказий Комитети билан Марказий назорат комиссиясининг 1991 йил апрель ойида бўлиб ўтган қўшма Пленуми қарорларидан келиб чиқадиган вазифалари муҳокама қилинди.

«Ёруғ юзли ўзбегим» (1991 йил 17 апрель) публицистик мақолани ўқиб

УНУТОЛМАЙМАН

● Аввало ўзимни таништирай: 1952 йилда туғилганман. Оилаликман. Наманган область Поп районидаги Хонобод қишлоғида яшайман. 7 нафар вояга етмаган ёш фарзандларим бор. Қурувчи-инженерман. 1976 йилдан КПСС аъзоси эдим... Отам ҳам КПСС аъзоси ва уруш ветерани бўлган. Онам меҳнат пенсиясида. Мен оиладаги 10 фарзанднинг тўртинчисиман. Энг кенжа укамиз Қаҳрамон афғон жангидан қайтиб ҳамон даволанмоқда.

«Ёруғ юзли ўзбегим» — менинг кўз ўнгимда кечган даҳшатли кунларни ёдимга солди. Мен у даҳшатли воқеаларни унутолмайман. Поп районидаги собиқ В. И. Ленин номли ишлаб чиқариш бирлашмасига қарашли қурилиш ташкилотида ишлаб турганимда туҳмат қўрбони бўлдим. 1985 йил 6 февралда қамоққа олиниб, 6 йил озодликдан маҳрум этилдим. Жазо муддатини Навоий шаҳридаги кучайтирилган режимли меҳнат колониясида ўтаб, 1988 йил 10 сентябрь куни муддатидан олдин озодликка чиқдим. Ушбу хатда ўзим ҳақимда ёзиш мақсадим йўқ эди. Бироқ мен қамоқ лагерида медицина қисмида ишлашимга тўғри келди, ана шу ерда пахта иши бўйича судланиб, ҳақ-ноҳақ қамалган кўпдан-кўп одамларни учратдим. Улар асосан ўзбеклар эди. Бошига оғир кулфатлар тушган кўпдан-кўп бегуноҳ кишиларнинг арз-ҳолини эшитишимга, ҳамдард бўлишимга тўғри келди. Улардан кўплари терговчиларнинг ҳийла-найрангига учган ва соддалиги туфайли тузоққа илинтирилган оққўнгил кишилар эди. Колхоз раислари, бригада бошлиқлари, ҳисобчилар ва яна қанчадан-қанча қишлоқ хўжалигида меҳнати сингган кишиларнинг бошдан кечган оғир кунларига гувоҳ эдим. Мақолада тилга олинган колхоз раиси Икром Очиловнинг аянчли ўлими тафсилотларини ўқиб, бешафқат терговчиларга, ҳақиқатдан юз ўгирган суд, прокуратура маҳкамалари корчалонларига нафратим келди. Минг афсус қиламанки, мен қўлимда жон берган кўпдан кўп кишиларнинг аниқ адресларига бугун эга эмасман. Қоракўл районидан бўлса керак, бир колхоз раиси менинг елкамга бошини қўйиб, оғир дарддан азоб чекиб, ҳўнг-ҳўнг йиғларди (Бу балки ўша Икром акадир? Мен Навоий шаҳридаги 64—46 меҳнат колониясида бўлганман) ва менинг қўлимда жон берган эди. Охирги сўзи ҳамон эсимда: «Ука, ҳақиқат бизлардан юз ўгирган экан. Энди ёлғиз илтимосим, уйимдагиларга хабар беринглар, Улигим Қизилқумда қолиб кетмасин», деб кўз юмган эди. Бухоро областидан бўлган ҳисобчи Убайдулла бува Махатов кичик ўғлининг никоҳ тўйига панжара ортида туриб, кўзларидан дув-дув ёш тўкилиб, оқ фотиҳа берган эдилар. Бироқ тўй азага айланди. Убайдулла бува панжара пойига бехуш йиқилиб, ўғил қошида жон берди...

Мен бу оғир кўргуликларни нега эслаяпман? Қанчаданқанча бегуноҳ кишиларнинг тақдирини беомон буккан ва охир-оқибат уларнинг бевақт ўлимига сабаб бўлганлар кимлар эди? Мен мақолада ана шундай кимсалардан ақалли бир нечасининг афти-ангори очиб ташланишини кутган эдим! Суд ва терговчиларни адолатсиз ҳукмга ундаган «арбоб»лар-чи? Бегуноҳ кишиларнинг бошига пахта иши деган оғир қисматни солган терговчилар, суд, прокуратура ходимлари ва ўша пайтда жумҳурият эшигини уларга кенг очиб берган «арбоб»ларимиз юзидаги ниқоб қачон батамом олинади? Минг-минг бегуноҳ кишиларнинг мажруҳ бўлган тақдири, завол бўлган умри учун уларнинг фарзандлари, набиралари ва қавму-қариндошларига ким жавоб беради? Мен эса кўзим ўнгида кечган ўша кунларни сира-сира унутолмайман. Ўзимни эмас, ҳокитупроғи ўша ерларда қолган кишилар кўз ўнгимдан кетмайди. Уларнинг бешафқат қисмати учун ким жавоб беради?

Шаҳобиддин АЛМАТОВ.

АЁЛЛАР ОҲ УРАДИ

● «Пахта иши» деб аталган бу қора булут биз аёлларни ҳам четлаб ўтгани йўқ. Мен бир гуруҳ жомбойлик оналар, хотин-қизлар номидан сўзлайман. Бизнинг Жомбой районимизда ҳам пахта иши баҳонасида ўнлаб кишиларни ноҳақ жиноий жазога маҳкум этишган эди. «Пахта иши» комиссиясининг шарофати билан 10—15 йиллаб озодликдан маҳрум этилган кишиларнинг жиноий ишлари қайтадан кўриб чиқилди. Ўзбекистон ССР Олий Судининг ишчи группаси бизнинг районимизда пахта иши билан боғлиқ қатор ҳукмларни бекор қилди. Ўйлайманки, кечикиб бўлса-да, адолат қарор топди. Ҳақиқат эгилди-ю синмади.

Пахта иши юзасидан тузилган комиссия адолатнинг тикланишида катта иш қилди. Халқимиз улардан миннатдор бўлмоқда. Бу савобли ишларнинг бошида Ўзбекистон ССР Президенти турганлиги биз оналарни айниқса хушнуд этади. Биз уларга халқ бошига тушган оғир кунларни чекинтиришдаги жасоратли қадамлари учун минг-минг ташаккур айтамиз.

Оламда оналар оҳ урмасин! Жомбойлик хотин-қизлар номидан:

Ҳалима БОТИРОВА,
Самарқанд вилояти.

КАДРЛАР СИЁСАТИДАГИ БУЛУТЛИ КУНЛАР

● «Оқлов» рукнида босилган «Ёруғ юзли ўзбегим» мақоласи ҳеч шубҳасиз мавзу жиҳатдан ҳам ва моҳияти жиҳатдан ҳам кенг қамровлидир. У айни пайтда жумҳуриятда яшаётган фуқароларнинг ҳеч бирини бефарқ қолдирмайди. Шу боисдан менинг ҳам дилимга чўғ солди.

Мен 1949 йилда туғилганман. Ўзбекистон — она тупроғимдир.

1980 йилда Олий партия мактабини тугатганман. Бироқ ҳозирги пайтда айбсиз айбдорман. Чунки 1988 йил 19 сентябрда партиядан ўчирилганман. Менга тегишли «Жиноий иш» Ўзбекистон ССР Жиноят Кодекси 5-моддасининг 3-банди билан аллақачон бекор қилинган. Шунга қарамай менинг партиявий ишим ўз ўрнидан кўчмай турибди. Менинг бошимга йўқ жойдан шунча кўргуликларни солган ва сохта жиноий ишларни ясаган кишиларнинг хатти-ҳаракатлари ҳамон ўз соясини ташлаб турибди. Партия мени тўрт йил маош бериб ўқитди, тарбиялади, чиниқтирди ва адолатга тик боқишга ўргатди. Шунга қарамай, оғир қисмат ва ноҳақ туҳмат ўз кучини кўрсатди. Соғлиғимдан айрилдим. Менинг бошимдаги бу қора кунлар ўтиб кетар, мен партия сафига албатта қайтишим керак ва бунга ишонаман. Бироқ жумҳурият арбоблари кўксига уриб, мақтаниб «ишдан четлатилган» 58 минг масъул ходимнинг аҳволи нима кечди экан?

Бугунги кунда 30-йиллар ва 50-йилларда юз берган қатағон қурбонларини оқлаш юзасидан комиссиялар тузилганидан хабаримиз бор. Хўш, яқин ўтмишда, аниқроғи қайта қуриш йилларида бир гуруҳ мансабпарастлар томонидан юз берган қатағон оқибатлари билан шуғулланадиган комиссия қачон тузилади? Узил-кесил ким ҳақ, ким ноҳақ жабрланганлигини қачон биламиз? Қолаверса, жабрланган ҳар бир шахс, ҳар бир коммунист кўринган остонага бош уриб, нажот истаб юриши инсофданми?! Адолатни сўраб оламизми?

И. ПИРМАНОВ,
Қорақалпоғистон жумҳурияти, Манғит шаҳри.

МУШТАРИЙ ТАШАККУРИ

● «Ёруғ юзли ўзбегим» туркум мақолаларини ўқиб чиқдим-у, қўлимга қалам олиб, ушбу дил сўзларини баён этишни лозим деб топдим. Аввало партия ва халқнинг дил амрини ифода этган «Совет Ўзбекистони» рўзномасига ташаккур айтаман. Адолат йўлидаги олийжаноб қадамингиз муборак бўлсин! Бир муштарий сифатида маълум қиламанки, «пахта иши» деб аталган қора кунлар авжга минганда халқ бу ноҳақликни кўриб-билиб ва англаб турарди. Афсуски, фақатгина бир гуруҳ «қонуншунослар» ва юқори ўринда ўтирган сотқин кишиларгина буни кўриб-кўрмасликка, билиб-билмасликка олишарди. Бундай «раҳбар»лар халқнинг юзига оёқ қўйишганини ҳеч бўлмаса энди англаб етишганмикан?

Ҳурматли «Совет Ўзбекистони» рўзномаси таҳрир ҳайъати! Рўзномада «Оқлов» мақолалари босилган кунларда киоска олдида одамлар тўп-тўп бўлиб кутиб туришди. Чойхоналарда, кўча-кўйларда қизғин баҳслар бўлиб ўтди. Минг-минг одамларнинг адолатга бўлган ишончи ортди. Раҳмат!

Носиржон ПОЧЧАБОЙ ўғли,
Уруш ва меҳнат ветерани,
Қўқон шаҳри.

КЎЗДА ЁШИМ БИЛАН

● Рўзномада босилган «Ёруғ юзли ўзбегим» мақолаларини ўқиб кўзимга ёш келди. Мен ҳам «пахта иши» бошига туҳмат соясини ташлаган кишилардан бириман. Бироқ на фақат ўз тақдирим, балки ўзим кўрган-билган кўпдан-кўп воқеалар кўз ўнгимдан ўтди.

1983 йилда совхоз дирекциясининг буйруғи билан уч ой пахта пунктида совхоз вакили бўлиб ишлаганман. Тил билмас терговчилар ва район шароитидан мутлақо бехабар кишиларнинг хулосаси билан жабр тортдим. Бироқ мана энди кўриб турибманки, бундай жабрланганлар қаторида мен ёлғиз эмас эканман. Бироқ, шунга қарамай, ҳар ким ўз бошига ёққан қорни ўзи курайди. Мен ҳам биз билан боғлиқ жиноий ишлар қайта кўриб чиқилишини талаб қиламан. Ўтиниб илтимос қиламанки, менинг ҳам оилам, фарзандларим ва қолаверса бу ёруғ дунёдан умидим бор. «Пахта иши» комиссияси умумий оқимдаги мен каби оддий кишиларнинг тақдирини ҳам ижобий ҳал қилишда ёрдам беради деб умид қиламан. Рўзномада босилган «Оқлов» мақолалари менинг қалбимга ана шундай умид учқунларини солди. Ҳақиқат борлигига ишонаман!

Худойқул АЗИЗОВ,
Қашқадарё вилояти Усмон Юсупов районидаги Ульянов номли совхоз аъзоси.

(Худди шу мазмундаги мактубни шу хўжалик аъзоси Фармонқул Авазов ҳам йўллаган)

АДОЛАТ ТАНТАНА ҚИЛСИН

● 1991 йилда оилавий шароитимиз тўғри келмаганлиги сабабли «Совет Ўзбекистони» рўзномасига обуна бўлолмаган эдик. Рўзномада «Оқлов» ҳақида мақолалар босилгандан буён мен рўзноманинг ҳар сонини базўр топиб ўқишга муяссар бўлдим. «Пахта иш»лари бўйича жумҳурият комиссиясининг раиси И. Ҳ. Жўрабеков билан қилинган суҳбатни ўқиганимдан буён шу туркумдаги мақолаларни битта қўймай топиб ўқиб келяпмиз. Бизнинг оиламиз бошига ҳам «пахта иши»нинг қора кунлари тушган. Рўзномадаги «Ёруғ юзли ўзбегим» мақоласи ана шу қора булутларни адолат қуёши бўлиб тарқатгандек бўлди. Рўзномага келгуси ойдан бошлаб обуна бўлдик. Ягона истагимиз шуки, «пахта иш»лари юзасидан ноҳақ ҳукмларнинг биронтаси назардан четда қолмасин. Адолат батамом тантана қилишини сўраймиз! Президентимиз И. А. Каримов бошлаган олийжаноб ташаббус охиригача олиб борилади деб умид қиламиз.

Бибиражаб КАРИМОВА,
Хоразм вилояти, Урганч районидаги Калинин номли колхоз аъзоси, кўп болали она.

ҲАҚИҚАТ ЭГИЛДИ-Ю, СИНМАДИ...

● Самарқанд дорилфунуни профессори Соли Урунов ёру-дўстлари даврасида ўзининг 60 йиллик тўйини ўтказишга тайёргарлик кўраётганди. Бу кунга бир ой қолганда уни суднинг қора курсисига ўтқазишди. Улуғ Ватан урушининг энг оғир азобларига ҳам бардош бера олган домла қонунчиларнинг туҳмат тошидан гангиб қолди. Ёраб, бу не ҳолки, бир кишининг гапи билан бадном бўлиб кетаверсанг?!

Аммо Соли ака додини айтиб ўтираверди, барибир қораловчининг айтгани бўлди: «С. Урунов ўғли ва келининнинг онасини ғайриқонуний прописка қилдириш учун 8-ЖЭК бошлиғи Б. Р. Кричанскийга уч минг сўм пора берган ва бу билан Ўзбекистон ССЖ Жиноят Кодекси 153 моддасининг 1-бандига мос келувчи жиноий ҳаракатни содир этган...»

Хуллас, домлани қамашди. Тўрт йил беришди. Тағин беш йилгача муддатда педагоглик фаолияти билан шуғулланиши мумкин эмаслигини таъкидлашди.

Соли аканинг дарди ичида, ёзган битиклари, аризалари эса турманинг тўрт девори ичида қолиб кетаверди. Келинг, фикримиз аниқроқ бўлсин учун воқеанинг асл мазмунига бир назар ташлайлик:

8-ЖЭК бошлиғи Б. Р. Кричанский ҳамтовоғи Даврон Камолов ёрдамида доимий равишда пора олиш билан шуғулланган ва у БХСС ходимлари томонидан қўлга туширилган. Тергов чоғида Борис Романовичнинг столи тортмасидан прописка қилдиришга тайёрланган ҳужжатлар чиқади. Университетдан Урунов деган домла илтимос қилганди, қўлимдан келмади» — дейди Кричанский.

Шу гапнинг ўзи терговчи билан БХСС ходимига етарли бўлди. «Катта»лар билан маслаҳатлашгач, улар Кричанскийга «Урунов менга пора берган дейсан, акс ҳолда оғир жазо оласан», — деб қўркитишди. Умуман жумҳуриятимизда Гдляннинг қўли баланд келган ўша пайтда бундай ишларни амалга ошириш қийин эмасди. Чунки С. Урунов ўша пайтда Гдлян сиртмоғида турган Ҳайдар Яҳёевнинг қудаси бўлади-да! Шу сабабли вилоятнинг собиқ прокурори У. Жалилов, Самарқанд шаҳар прокурори Алибоев, БХСС инспектори Абдураҳимов, терговчи Леонид Иванян домлани «фош қилиш» учун барча чораларни ишга солдилар.

Дастлабки тергов чоғида Кричанский С. Уруновдан 1983 йилнинг ноябрь ойи ўртасида пора олганман дейди. Кўп ўтмай у қўргазмасини октябрь ойи ўртаси, октябрь ойи охири ва ниҳоят ноябрь ойи бошида эди деб ўзгартиради. Қизиғи шундаки, кўрсатилган вақтда домла Сочидаги «Ўзбекистон» санаторийсида дам олишда бўлган. С. Урунов меҳнат отпускасидан кейин дарҳол пахта йиғимтеримига жалб этилган. У раҳбарлик қилган группа Самарқанддан 150 километр узоқда ишлаган.

Кўп ўтмай Соли аканинг ўғиллари Тошкент шаҳар БХСС бўлимида ишлаётган Олим ва Самарқанд савдо инспекциясида ишлаётган Исломни ҳам уйида жанговар қуролни қонунсиз сақлаган деган айб билан қамоққа олишди. Ўзбекистон ССЖ Олий суди фақат 1990 йилнинг охирига келиб ака-укалар ҳеч қандай жиноят содир қилмаганликларини тасдиқловчи қарор чиқарди.

Домла эса қариган чоғида тўққиз ой қамоқда ўтирди. Улуғ Ватан уруши қатнашчиларига берилган авф туфайли у озодликка чиқарилди. Аммо домланинг кўнгли ҳамон ғаш. Нега у тўққиз ой айбсиз турмада ётди? Йўқ, домлага меҳр-шафқат эмас, ҳақиқат керак!

У кўп умидлар билан қўлига қалам олди. Надоматлар бўлсинким, қаерга, кимга мурожаат этмасин, бир хил жавоб олди: «Сизни қонунга биноан суд қилишган».

Ўтган йили баҳорнинг охириги кунлари эди. Ховлига не кўз билан кўрсинки,.. Кричанский кириб келарди. Аввалига домланинг юраги ўйнаб кетди, аммо дарҳол ўзини тутиб олди.

— Менга ҳам осон бўлгани йўқ, Соли ака, — дардини ёрди Борис Романович. — БХСС ходими билан терговчи ҳар куни қийноққа солди. Айниқса суд бошлангач мен тўғри кўрсатма берганимдан кейин турмага кириб зўғум ўтказишди. Мен бу ҳақда судга шикоят ёздим. Аксинча, эртасига вилоят прокуратураси ходимлари онам билан учрашув уюштиришди. Онамнинг айтишича, прокурор Жалилов «агар мен уларнинг йўлига юрмасам аҳволим оғир бўлишини» айтибди... Сиз мен туфайли қамалиб чиқдингиз. Мени кечиринг, домла...

Соли аканинг кўзидан ёш чиқиб кетди.

Б. Р. Кричанский СССР Прокурорига ҳам юқоридаги гапларни ёзиб юборди. Ниҳоят С. Урунова СССР Олий судидан Самарқанд вилояти судининг 1984 йил 7 августидаги ҳукмини бекор қилиш тўғрисида хат келди.

Ҳа, С. Урунов оқланди. У киши яна қадрдон дорилфунунида кафедра мудири бўлиб ишлаяптилар. Оиласи, фарзандлари, ёру-дўстлари олдида юзи ёруғ бўлди! Биз яқинда у кишини Ғалаба куни ва тикланган адолат билан табрикладик.

— Ҳақиқат эгилди-ю синмади. Бироқ мени ўртаётган жумбоқ бошқа, — дейди С. Урунов. — Мен ва менга ўхшаган яна кўплаб кишиларга нисбатан ғайри қонуний ҳаракатлар содир этган қонун эгалари ўз қилмишлари учун қачон жавоб беришар экан? Агар уларнинг бир ишдан иккинчисига қўндириб қўйилганини ҳисобга олмасак, қонунбузарларнинг қатъий жазо олганликларини ҳеч эшитмаяпман. Ахир қонунчилигимизнинг путур кетган жойи ҳам ана шунда эмасмикин!

Савол ўринли эди. Сиз нима дейсиз?

Жумақул КАРИМОВ,
Самарқанд вилоят партия қўмитаси инструктори.

Фармон ТОШЕВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон жумҳуриятлари жарроҳларининг V съезди олдидан

ҲАЁТГА ҚАЙТИШ

Яширишга на ҳожат, дафъатан «Операцияда ўзингиз ҳам қатнашинг», деган таклифни эшитиб, юрагим увишиб кетди. Шу аппозда операция блокига кириб бордим. Вужудимдаги бу туйғуни қўрқиш ҳам, қизиқиш ҳам дея олмайман. Ҳамроҳим— жарроҳ Ҳабибулло Оқилов узун йўлка бўйлаб бошлар экан, операция давом этаётган хоналарга ишора қилиб, қайси жарроҳ қандай касаллик бўйича операция қилаётганини йўл-йўлакай тушунтириб борарди.

— Бу операция гуруҳини тиббиёт фанлари доктори, профессор Феруз Назиров бошқарянти, — дея ўнг томондаги хоналардан бирида операция қилаётган тўрт-беш нафар тиббиётчилардан барваста қомадли кишига ишора қилди.

— Шу киши бўладиларми... — сўзимни тугатмасимдан у мени энг охирги хонага бошлаб кирди. Бу хона эса энг мураккаб операциялар бажариладиган жой.

...Жарроҳхонада бемор аёл ётар эди. Врач ва ҳамширалар операцияга тахт бўлиб, гуруҳ раҳбари тиббиёт фанлари доктори, профессор Одилбек Воҳидовни кутишарди, Ҳамширалар Галина Бобохонова, Албина Ярбулник жарроҳлик асбоб-анжомларини шайлашди. Сал фурсатдан сўнг хонага қотмадан келган оқ ҳалатли киши кириб келди. Ҳабибулло менга «шу киши» дегандек ғимо қилиб қараб қўйди. Профессор жарроҳлик гуруҳининг операцияга тайёргарлик ишини бир зумгина кўздан кечирдида ҳамшира томон юзланди. Албина чаққонлик билан докторнинг операцияга ҳозирланишига ёрдамлашиб, қўлқоп узатди. Шу операцияга тайёрланиш жараёнидаёқ Одилбек Воҳидовнинг гуруҳ аъзоларига ўта талабчан раҳбар эканлигини англадим.

— Сиз эса сал нарида операцияни кузатиб туринг, — деди менга юзланиб. Сўнг кулимсираб, — Олдин ҳеч операцияда бўлганмисиз? — дея сўради.

— Ахир биз беморни ҳаётга қайтарамиз-ку, бунинг нимаси қўрқинчли? — Ҳазил аралаш сўз қотди Ҳабибулло Оқилов.

— Бошладикми? — деди профессор секингина...

Операциянинг бошланишида қарашга юрагим бетламай, беморнинг касаллик варақасини кўздан кечира бошладим. «Бемор Раиса Абдукаримова, 35 ёшда. 20 йилдирки, беморнинг ўт пуфаги ва ошқозони яллиғланиб, 12 бармоқли ичакнинг бош қисмида яра пайдо бўлган. Бемор Тошкент вилояти Коммунистик ноҳиясидаги «Ўзбекистон» жамоа хўжалигида истиқомат қилади...»

— Қайчи! — Профессорнинг овозидан сергак тортдим. У ҳамшира узатган қайчини столга қайтариб ташлади.

— Каттароқ қайчи! — қайта сўради у. Ҳамма унсиз унинг хатти-ҳаракатига монанд иш бажарарди. Жарроҳлар чаққон ҳаракат қилишар, ора-сира бир-бирлари билан назаримда «сўзсиз», нигоҳ билан фикрлашардилар. Бир беморга, бир жарроҳларга қарайман.

— Ўт пуфагини олиб ташлаяпмиз, — менга қарамасдан изоҳ берди Ҳабибулло Оқилов. — Сўнг операциянинг энг мураккаб қисмини бошлаймиз.

Қайчиларнинг шиқ-шиқи, бемор юрак уришини ўлчовчи аппаратнинг темирчининг босқонидек гуп-гуп уриб туриши эшитиларди, холос. Жарроҳлар бир-бирларига бир зум саросимали қарашди. Англадимки, вазият улар кутганидан ҳам мураккаблашганди. Операцияга яна бир ҳамшира келиб қўшилди. Улар ишида давом этди. Профессор менинг нима савол бермоқчилигимни сезгандек:

— Ҳозир ошқозоннинг яллиғланган учдан бир қисмини олиб ташлаймиз, — деди. Одилбек Воҳидов ҳамшираларни ошириб қўяр, чаққонлик билан ишлашларини таъкидларди. Чунки ҳозирги вазиятда ҳар бир дақиқа инсон тақдирини ҳал қилиши мумкин. Жарроҳлар бемор тўғрасига ўқтин-ўқтин қараб қўйишар, анестезист — ҳамшира Галина Бобохонова эса бемор аҳволидан уларни воқиф этарди. Жарроҳлар навбатдаги операция — 12 бармоқли ичакнинг бош қисмидаги яраланган жойни кўздан кечира бошлади.

Бемор аёл юзларига боқаман. Икки ярим соатдан буён ҳаёт учун курашаётган бу аёлга кўнглимда боқий умр тилайман. Ниҳоят, операция охирлаб қолди. Жарроҳлар гуруҳи аъзолари руҳан тетик бўлсаларда, юзкўзларида реза-реза тер йилтирарди. Чунки бугунги бемор мураккаб операциядан эсон-омон чиққанди. Яна бир шиқаста қалб, бемор инсон ҳаётга қайтди. Оғир дарддан фориғ бўлди. Операция муваффақиятли якунланди. Назаримда, менинг ҳам руҳим қушдек енгил тортди...

СССР Тиббиёт Фанлари академияси Бутуниттифоқ жарроҳлик илмий марказининг Тошкентдаги филиали — хирургия билимгоҳи 1975 йилда ташкил топган. Ҳозир бу ерда жумҳуриятимизнинг энг малакали жарроҳлари, тиббиёт фанининг иқтидорли олим, профессор ва мутахассислари илмий-тадқиқот ишларини олиб бормоқдалар. Илмгоҳда 12 та бўлим бўлиб, уларнинг ётитаси клиника, бештаси эса илмий диагностика бўлимларидир. Шу ўринда юрак хасталиклари, ошқозон, жигар ва ўт пуфаги, ўпка, қонтомир жарроҳлиги бўлимларида етакчилик қилаётган олим ва малакали тиббиётчилар раҳбарлик қилаётган операция гуруҳлари эришаётган муваффақиятларни алоҳида қайд этишни истардик. Ҳар бир бўлимда 40 ўринга мўлжалланган клиника мавжуд. Ҳозир бу клиникаларда нафақат жумҳуриятимиздан, балки Болтиқбўйи, Жанубий Қозоғистон, Ўрта Осиё жумҳуриятларидан беморлар келиб дардларига шифо топмоқдалар. Уларга қўли енгил жарроҳлар малакали тиббий хизмат кўрсатяптилар. Шундай жарроҳларидан профессор, тиббиёт фанлари доктори Феруз Назиров билан ҳамкорликда бир-икки йил ичида жигарни кўчириш, жигар циррози, жароҳатланган жигар ўрнига фалокат туфайли ҳалок бўлган кишиларнинг соғлом жигарини кўчириш операцияларини амалга ошира бошлаймиз. Лекин шуни унутмаслик керакки, операция жуда тезкорлик билан — жигар совимасданоқ бажарилиши шарт. Бунинг учун эса замонавий тиббий асбоб-ускуналар, компьютерлар, катта маблағ керак. Лекин бунга имконият топамиз, албатта.

Одилбек Воҳидов жигар хасталиклари бўйича мутахассис бўлса-да, инфаркт бўлган юракни жарроҳлик йўли билан даволаш (инфаркт бўлган юракнинг маълум жароҳатланган қисмига «соғ» томир уланади) операцияларини муваффақиятли ўтказмоқда.

Ҳозирги кунда бу ерда бедаво дард—рак касаллигига чалинган беморларга ҳам қайта ҳаёт бахшида этилаётир. Худди шундай операциялардан бири — 55 ёшли беморнинг ошқозон ости безидан бошланган ракнинг олди олинди. Беш соат давом этган оғир операциядан бемор омон чиқди.

Ўрта Осиё жумҳуриятлари, хусусан, жумҳуриятимиз жигар, ошқозон ичак хасталиклари бўйича Иттифоқда энг юқори ўринда туради. Ошқозон-ичак, жигар, буйрак хасталиклари минтақамизга хос касалликка айланиб бормоқда. Бунинг бош сабабларидан бири овқатланиш циклининг нотўғрилигидир. Чунки одатда халқимиз кўпроқ кечқурун оғир иссиқ таомларни тановул қиладилар. Экологик танг аҳвол, кимёвий заҳарли моддалар қўлланиши ҳам касалликларни кўпайтирянти.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон жумҳуриятлари жарроҳларининг V съезди ўз ишини бошлаш арафасида. Бу қурултойнинг жумҳуриятимизда ўтказилиши бежиз эмас, албатта. Съезд ўз ишини худди мана шу марказда олиб боради. Қурултойда Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистонда шошилинч жарроҳлик ёрдамининг шу кундаги аҳволи, ўт йўлларидаги қайта операциялар, ўткир ичак тўсилиши, қон томирлар жароҳатлари, қўл-оёқларнинг критик қонсизланиши, жарроҳлик янгиликлари мавзусидаги эришилган ютуқлар ва жарроҳлар олдида турган энг муҳим муаммолар ҳал этилади. Ўйлайманки, қурултойда кўтарилажак бу муаммолар яқин келгусида ўз ечимини топади.

...Илмгоҳ ҳовлисида жарроҳлар билан хайрлашар эканман, кўз ўнгимда жарроҳлик столида ётган аёл гавдаланади. «Мен сизга яна бир бор боқий умр тилайман» дея хаёлан бемор аёлга мурожаат этаман...

Санда ЙЎЛДОШЕВА,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбири.



БУГУН—ХАЛҚАРО МУЗЕЙЛАР КУНИ

● Жумҳуриятимиз пойтахти Тошкентда санъат дурдоналарини намойиш этувчи муҳташам кошоналар кўп. Ўзбекистон ССР амалий санъат музейи шундай даргоҳлардан биридир.

Ф. ҚУРБОНБОЕВ олган сурат. (ЎзТАГ).

БУХОРО КОМСОМОЛИ 70 ЁШДА

Бухоро вилояти шаҳар ва районларида Бухоро комсомол ташкилоти ташкил топган куннинг 70 йиллигига бағишланган юбилей тантаналари бўлиб ўтди.

В. И. Ленин ҳайкали пойига, «Мангу олов» ёдгорлигига ва байналмилалчи жангчилар шарафига ўрнатилган ёдгорлик пойига ранг-баранг баҳор гулларидан гулдасталар қўйилди. Гул қўйиш маросимида Бухоро жамоатчилигининг вакиллари ва шаҳарнинг фахрий меҳмонлари иштирок этдилар. Меҳмонлар орасида ВЛКСМ Марказий Комитетининг, Ўрта Осиё Республикалари ва Қозоғистон комсомоли Марказий Комитетларининг масъул ходимлари, биродарлашган Ульяновск ва Чоржўй шаҳарларининг вакиллари бор эди.

Бухорода тарихий санага бағишланган тантанали йиғилиш бўлиб ўтди. Бухоро вилояти партия комитетининг биринчи котиби, вилоят Советининг раиси Д. С. Едгоров йиғилганларни қутлади. Йиғилишда комсомол фахрийлари нутқ сўзлаб, вилоятда бу ёшлар ташкилоти қандай ташкил топгани тўғрисида, ёшларнинг шонли ишлари ҳақида гапириб бердилар.

Шаҳар меҳмонлари ва аҳолиси учун ранг-баранг маданий программа намойиш этилди. Унда профессионал ва ҳаваскор ёшлар бадиий жамоалари иштирок этдилар.

И. САФАРОВ,
ЎзТАГ мухбири.

ҚАРДОШЛИК

АДИБ ТАВАЛЛУДИГА БАҒИШЛАБ

Шу кунларда Самарқандда Тожикистон халқ шоири Мирзо Турсунзода таваллудининг 80 йиллиги жамоатчилик томонидан кенг нишонланмоқда. Самарқанд давлат университетининг тожик филологияси факультетида шоир ижодига бағишланган кўргазма ташкил этилди. Бу ерда унинг ижод йўли ҳақидаги монографиялар, турли йилларда Тожикистонда, Москвада чоп этилган китоблари намойиш қилинмоқда. Вилоятнинг Самарқанд ва Ургут районлари мактабларида бўлиб ўтган ана шундай тантаналарда М. Турсунзоданинг тожик маданияти ва адабиётида тутган ўрни, унинг Самарқанд ижодкорлари билан доимий алоқалари тўғрисида фикр юритилди.

(ЎзТАГ).

АСКАР ЎҒЛОНЛАРИМИЗ ҲАЁТИДАН

ОШКОРА МУЛОҚОТ

Тошкентда Қизил Байроқ орденли Туркистон Ҳарбий округи қўшинлари қўмондонлигининг уруш, меҳнат ва қуролли кучлар республика, Тошкент вилояти ва Тошкент шаҳар фахрийлари фаоллари билан учрашуви бўлди.

Учрашувни Уруш ва меҳнат ветеранлари жумҳурият кенгашининг раиси, СССР халқ депутати Р. Ғ. Ғуломов очди.

Туркистон Ҳарбий округи қўшинлари қўмондони генерал-полковник И. В. Фуженко фахрийларга миннатдорчилик билдирди.

И. В. Фуженко Ўзбекистон ССР Президентининг «Жумҳурият ёшларини армияга чақириши ва уларнинг ҳарбий хизматни ўташини такомиллаштириш чоралари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ СССР Қуролли Кучлари бош штаби билан Ўзбекистон ССР Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси ўртасида республика фуқароларини муддатли ҳақиқий ҳарбий хизматга чақирув ва уларнинг ҳарбий хизматни ўташини яхшилаш тўғрисида яқинда имзоланган битим ғоят катта аҳамиятга эга эканлигини айтди.

Учрашувда Ленинград номини ўзгартириш мақсадида шу йилнинг 12 июнида шаҳарда референдум ўтказиш мўлжалланганлиги муносабати билан Ўзбекистонда яшаётган уруш, меҳнат ва қуролли кучлар, Ленинград мудофааси ҳимоячилари номидан Ленинград кенгашига, барча ленинградликларга очиқ хат қабул қилиниб, унда шаҳар номи ўзгартирилишига қарши қатъий норозилик билдирилди.

Т. БОТИРБЕКОВ,
ЎзТАГ мухбири.

УРГУТЛИК ЙИГИТ

● Умид Рустамов ҳарбий хизматга Самарқанд вилоятининг Ургут шаҳридан чақирилган. У армия хизматига боргунча фабрикада ишчи бўлиб ишларди. Умид Улуғ Ватан уруши иштироқчиси бўлган отаси Ж. Рустамов изидан бориб, шу корхонага ишга кирган эди. Уларнинг оиласида 5 қиз, 5 ўғил улғайишмоқда.

Умидни ҳарбий хизматга кузатишар экан, унинг ота-онаси оқ йўл тилаб Ватанга ва халққа садоқат билан хизмат қилишни наказ қилишди. У кундалик ишида ота-она наказига амал қилмоқда.

В. КИСЕЛЕВ.

* * *

РАҲМАТ ДЕСА АРЗИЙДИ

● Оддий солдат Дониёр Тошпўлатов қисмимизда иккинчи йил хизмат қилмоқда. Албатта хизматнинг дастлабки даврида ҳар бир йигит анча қийналади. Дониёр рус тилини яхши билмаслиги туфайли анча қийналди. У ўзининг меҳнатсеварлиги, қатъийлиги билан бу қийинчиликларни енгди. Унга қуролдошлари ва командирлар яқиндан ёрдам беришди.

Ҳозирги кунда Дониёр жанговар навбатчиликни фақат яхши ва аъло баҳоларга бажармоқда. Жамоат ишларида ҳам фаол қатнашмоқда. Ана шундай ажойиб йигитни тарбиялаган Дониёрнинг онаси Дилором Юсуповага, унинг ўқитувчилари ва устозларига миннатдорчилик билдирамиз.

В. КРАМЕР,
бўлинма комсомол қўмитаси котиби.

* * *

САДОҚАТ

● Сержант Асатулла Пўлатовни мен биринчи марта машқ майдонида учратдим.

— У энг яхши командирларимиздан бири, — деб таъкидлади взвод командири Ю. А. Буданов. — Унга ҳар қандай топшириқни берса бўлади. Чунки Асатулла ҳар бир ишни кўнгилдагидек муддатда бажаради. У биринчилар қаторида жанговар ва сиёсий тайёргарлик аълочиси, етук мутахассис, номдор спортчи бўлиб етишди. Асатулла Пўлатовнинг меҳнатсеварлиги, ташаббускорлигини ҳисобга олиб бўлинма қўмондонлиги уни бўлим командири қилиб тайинлади. Тиришқоқ сержант бу ишда ҳам ўзини кўрсатди. Ўзи бошчилик қилаётган бўлимни илғорлар сафига олиб чиқди. Ҳозир Асатулла Пўлатов взвод командирининг ўринбосари қилиб тайинланган.

О. ЧЕРНИХ.

* * *

Шунингдек, таҳририятимизга хат йўллаган **А. Раҳимов, Б. Баротов, Я. Насриддинов, Н. Турдиев, Т. Бакиров, Ш. Эргашев, Қ. Ҳамроқулов, К. Абдуллаева, Д. Гидзула, Н. Терно, У. Тешабоев** ва бошқаларнинг хатларида ҳам ўзбекистонлик ўғлонларнинг жанговар ҳаёти ҳақида, ҳарбий билим ва техникани эгаллашда эришаётган ютуқлари ҳақида ҳикоя қилинади.

● Ўзбекистон халқ рассоми, Низомий номли Тошкент давлат педагогика илмгоҳининг профессори Малик Набиев 75 ёшга тўлди.

Жумҳурият рассомлар уюшмасининг кўргазма залида М. Набиевнинг асарлари намойиш этиляпти. Фахрий мусаввирлар асарлари орасида унинг қўли билан чизилган асарлар алоҳида ўрин тутади. Тарихий шахслар сиймосини яратишда унинг ўзига хос талқини бор. Усмон Носир, Фитрат, Чўлпон сингари ўзбек шоирлари, Темур, Бобур сингари тарихий шахсларнинг расмлари санъат мухлисларида катта таассурот қолдиради.

Суратда: М. Набиев ўзи яратган Бобур ва Темур картиналари ёнида.

В. МОЛГАЧЕВ олган сурат.

«ОЙНАИ ЖАҲОН»ДА КЎРИНГ

20 — 26 май

ҲАР КУНИ

● 8.00 СОҒЛОМ БЎЛАЙ ДЕСАНГИЗ (шанба ва якшанбадан ташқари, УзТВІ).

● 18.00 Ўзбекистон телевидениесининг «ЯНГИЛИКЛАР» кўрсатуви (УзТВ І).

● 19.30 да рус тилида «АХБОРОТ» программаси (УзТВ І).

● 22.00 да ўзбек тилида «АХБОРОТ» программаси (УзТВ І).

● 6.00 да Марказий телевидениенинг «ТОНГ» мусиқий кўрсатуви (МТ І орқали, шанба ва якшанбадан ташқари).

● 20.30 да барча программалар орқали Марказий телевидениенинг «ВРЕМЯ» программаси.

● 11.30 да ТСН (шанба ва якшанбадан ташқари, 14.30 — ҳар куни МТ І).

● 8.00 да ЭРТАЛАБКИ БАДАНТАРБИЯ (МТ ІІ орқали, якшанба куни «ЗАРЯДКАГА САФЛАНИНГІ»).

● 19.45 да «ХАЙРЛИ ТУН, КИЧКИНТОЙЛАРІ» (МТ ІІ).

• 20, душанба

УзТВ І

8.00 «Она табиат». Кинопрограмма 9.10 «Тенгдошлар». 9.55 «Юлия Вревская». Бадиий фильм. 1-серия. 18.00 Янгиликлар. 18.10 Мультфильмлар. 18.50 «Бу жуда соз, жуда соз». 19.50 Жиноятчиликка қарши кураш муаммолари ҳақида. 21.15 «Камолот сари». 21.55 Тижорат хабарлари. 22.20 «Деҳқонларнинг долзарб вазифалари». 22.35 «Ичкуёв». Видеофильм, 1-қисм.

МТ І

8.30 «Мулоқот». 8.50 «Бақалоқ ва Қилтириқ». 8.55 «Дайди автобус». Бадиий фильм. 10.30 Мультфильм. 10.45 «Пеллиеас ва Мелизанд». 11.45 Футбол шарҳи. 12.15 Концерт. 13.00 «Чернобиль зонаси сталкери. 14.45 «Йигитлар ва бошқалар». Бадиий фильм. 16.10 «Қизиқувчилар олами». 16.25 Шеърият лаҳзалари. 16.30 «Чемпионлар билан биргаликда». 17.00 Болалар соати. 18.00 ТСН. 18.15 Бозор қонунларига биноан. 18.45 «Душман ичида дўст, дўст ичида душман». 21.15 Футбол шарҳи. 21.45 «Ромео ва Жульетта». Балет. 23.20 «Меридиан». Халқаро янгиликлар. 23.40 «Архимед ричаги қаерда?». Ҳужжатли фильм.

МТ ІІ

7.00 Ишбилармон кишининг тонги. 8.15 Ўқув кўрсатувлари. 13.35 «Бегона қўнғироқ». Бадиий фильм. 14.40 «Планета». Халқаро программа. 15.40 Гандбол. 16.25 Байдарка ва каноэда эшкак эшиши бўйича халқаро мусобақалар. 20.00 «Шундай яшаяпман». Ҳужжатли фильм.

УзТВ ІІ

21.15 «Бойсунда баҳор» фильм-концерт. 21.45 Замонавий мусиқа янгиликлари.

• 21, сешанба

УзТВ І

8.10 «Хивача ажрим». Фильм-концерт. 8.40 «Юлия Вревская». Бадиий фильм, 2-серия. 9.50 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Тележарида». 10.20 «Ичкуёв». Видеофильм, 1-қисм. 11.30 «Оқ теракми, кўк терак...», 16.30 Янгиликлар. 16.35 Мультфильм. 16.45 Концерт. 17.15 Москва. Сиёсий мулоқотлар «ИМКОНИЯТ ЧЕГАРАСИДА». Кўрсатувда Ўзбекистон жумҳуриятининг Президенти И. А. Каримов иштирок этади. 18.00 «Ота ва ўғиллар». Ҳужжатли фильм. 18.30 Ўрта Осиё жумҳуриятлари ва Қозоғистон жарроҳларининг V съезди. 19.00 «Элга хизмат: талаб ва таклиф». 19.50 Концерт. 20.25 «Спортлото». 21.15 «Ўзбекистон» киножурнали. 21.30 Юлдуз Усмонова куйлайди. 22.20 Москва. Сиёсий мулоқотлар. «ИМКОНИЯТ ЧЕГАРАСИДА». Кўрсатувда Ўзбекистон жумҳуриятининг Президенти И. А. Каримов иштирок этади. 23.05 «Ичкуёв». Видеофильм, 2-қисм.

МТ І

8.30 Долзарб репортаж. 8.45 «Душман ичида дўст, дўст ичида душман». Бадиий фильм. 10.30 Болалар соати. 11.45 «Чемпионлар билан биргаликда». 12.15 В. Готовцева куйлайди. 12.35 «Борлиқ». Ҳужжатли фильм. 14.45 «Имтиҳонга тайёргарлик». Бадиий фильм. 15.50 М. Равель. «Болеро». 16.10 «Экскурсия». Телефильм. 16.30 «Болалар мусиқий клуби». 17.15 Сиёсий мулоқотлар «ИМКОНИЯТ ЧЕГАРАСИДА». Кўрсатувда Ўзбекистон жумҳуриятининг Президенти И. А. Каримов иштирок этади. 18.00 ТСН. 18.15 Мультфильм. 18.25 Нодипломатик суҳбатлар. 18.50 «Алвидо, Замоскворечье безориси». Бадиий фильм. 21.15 «ВИД» таништиради. «Мўъжизалар майдони». 22.10 «Кинопанорама». 23.50 «Меридиан». Халқаро янгиликлар.

МТ ІІ

8.15 Ўқув кўрсатувлари. 14.00 «Оберон» увертюраси. 14.10 «Сизга, ветеранлар...» 15.10 Концерт. 15.45 Мультфильм. 16.00 Ритмик гимнастика. 18.00 «Ижарачилар». Телефильм. 18.30 «Телевизион мусиқий абонемент». 19.30 «Қора думли чиғалай». Телефильм. 20.00 Ритмик гимнастика. 21.15 СССР Олий Кенгашининг сессиясида.

УзТВ ІІ

22.15 «Фалокат оёқ остида». Бадиий фильм.

• 22, чоршанба

УзТВ І

8.10 «Турфа олам». «Нарзанлар водийси». 8.50 «Қотиб қолган чироқлар». Бадиий фильм, 1-серия. 10.05 «Ёшлик» студияси. 10.35 «Ичкуёв». Видеофильм, 2-қисм. 11.45 — «Замандас». 18.10 Мультфильмлар. 18.35 «Экология». 19.15 Ўзбекистон ССР Ички ишлар вазирлиги матбуот маркази хабар қилади. 19.50 «Созимиз — овозимиз». 21.15 «Хотира». 22.20 «Деҳқонларнинг долзарб вазифалари». 22.35 «Ичкуёв» Видеофильм, 3-қисм.

МТ І

8.30 Ишчан чопар. 8.50 «Алвидо, Замоскворечье безориси». Бадиий фильм. 10.30 Мультфильм. 10.45 «Болалар мусиқий клуби». 11.45 Концерт. 12.40 «Лапашанг», «Болалигингга боқ». 14.45 «Эсдаликка берилган сурат». Бадиий фильм. 15.55 «Қизиқувчилар олами». 16.10 Болалар соати. 17.10 «Йўл ёқасидаги уй». Телефильм. 17.30 ТСН. 17.50 Шеърият лаҳзалари. 18.00 «Инсон ва қонун». 19.15 «Демидовлар». Бадиий фильм, 1-серия. 21.15 «Демидовлар». Бадиий фильм, 2-серия. 22.30 1991 йил қўшиқлари.

МТ ІІ

8.15 Ўқув кўрсатувлари. 15.25 Концерт. 20.00 «Эскадрон». Армия хизматига чақириш муаммолари ҳақида. 20.20 «Днестряне» ансамбли ижро этади.

УзТВ ІІ

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ.

21.15 «Хабарлар». 21.25 «Молдованка, молдованка». Спектакль. 23.15 СССР Олий Кенгашининг сессиясида.

• 23, пайшанба

УзТВ І

8.10 «Оталаримиз жасорати». 9.10 «Қотиб қолган чақмоқлар». Бадиий фильм, 2-серия. 10.25 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Нишона». 11.10 «Ичкуёв». Видеофильм, 3-қисм. 18.10 Мультфильм. 18.25 «Алифбо сабоқлари». 19.00 «Касаба уюшмалари ҳаётидан». 19.50 «Тилимиз муаммолари». 21.15 «Зарблар сеҳри». 22.20 «Фармон ва ижро». 22.50 «Ичкуёв». Видеофильм. 4-қисм.

МТ І

8.30 ИИВ маълумотларига кўра... 8.50 «Отни ким эркалайди». Телефильм. 9.15 Болалар соати. 10.15 «Демидовлар». Бадиий фильм. 1-серия. 11.45 «Демидовлар». Бадиий фильм, 2-серия. 13.00 «Номерсиз мактаб» Телефильм. 14.45 «Бўйруқ». Бадиий фильм, 1-серия. 15.50 «Қизиқувчилар олами». 16.05 «Мусиқий хазина». 16.50 Мультфильмлар. 17.15 «Зоир: яқин масофадан қараганда». 18.00 ТСН. 18.15 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 18.55 «Йўлларидаги текширув». Бадиий фильм. 21.15 ИИВ маълумотларига кўра. 21.30 «Тиниқ осмон». Бадиий фильм. 23.15 РСФСР халқ артисти М. Плетнов ижро этади. 24.00 «Меридиан». Халқаро янгиликилар.

МТ ІІ

8.15 Ўқув кўрсатувлари. 13.35 Халқаро танловлар совриндори Н. Трулл чалади. (фортепьяно). 14.15 Ритмик гимнастика. 18.30 Кичик концерт. 18.40 Коллаж. 18.45 Инсон. Ер. Коинот. 19.30 Мангу жилолар». Телефильм. 20.00 Концерт.

УзТВ ІІ

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ.

21.15 «Спринт». 21.45 Бирбиримизни англаб. 22.30 Айни ҳаракат пайти. 23.15 СССР Олий Кенгашининг сессияси.

• 24, жума

УзТВ І

8.10 «Афсоналар ўлкасида». 8.30 «Давроннинг бошидан кечирганлари». Бадиий фильм. 9.40 «Устоз ва мураббий». 10.10 «Ичкуёв» Видеофильм. 4-қисм. 11.20 «Қизил Ярим ой шуъласи». 18.10 Мультфильм. 18.20 «Ҳокимият Шўроларда». 18.50 «Ёшлик оқшоми». 19.50 «Тадбиркор кишилар». 20.20 «Хоразм». 21.15 Ўзбек классик куй ва қўшиқлари. 22.20 «Феруза баҳори».

МТ І

8.30 Инновация. Маркетинг. Натижа. 8.45 «Йўлларидаги текширув». Бадиий фильм. 10.20 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 11.00 «Разведкачининг ён дафтарчаси». Телефильм. 11.45 «Инсон ва қонун». 14.45 «Бўйруқ». Бадиий фильм, 2-серия. 15.50 «Қизиқувчилар олами». 16.05 «Сизга, ветеранлар...». «Ғолиблар». 16.30 «Сиз яратган боғ». 18.00 ТСН. 18.15 Тазейдинов чалади (балалайка). 18.35 Славян ёзуви ҳамда болгар маданияти кунига 19.05 «Қайрилиб боқ». Бадиий фильм. 21.15 «ВИД» таништиради. 23.30 «Меридиан». Халқаро янгиликлар.

МТ ІІ

7.00 Ишбилармон кишининг тонги. 8.15 Ўқув кўрсатувлари. 13.35 «Ча-ча-ча оҳангларида». 14.45 Концерт. 18.30 «Подмосковье — Пенсильвания». 19.25 Коллаж. 19.30 «Венецияда карнавал». Телефильм. 20.00 Спорт ҳамма учун. 20.15 Концерт.

УзТВ ІІ

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ

• 25, шанба

УзТВ І

8.00 «Ассалому алайкум». 9.00 «Бувам, Клиан ва мен». Бадиий фильм. 10.20 «Ризқ-рўзимиз — нон». 10.50 «Алифбо сабоқлари». 11.25 «Ягона оилада». 12.25 Концерт. 12.55 «Муҳофаза». 13.25 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «2x2=5». 15.25 «Ўзбекистон саноати». 15.55 «Сувдек сероб бўлинг». 18.00 Мультфильм. 18.15 «Тенгдошлар». 19.00 Ўзбек тилини ўрганамиз. 19.45 Оқшом эртаклари. 20.00 «Барҳаёт наволар». 21.15 «Барҳаёт наволар». 22.00 «Ҳафтанома». 23.00 «Хўжа Насриддиннинг 12 қабри». Бадиий фильм.

МТ І

6.00 Телефильмлар. 6.30 Мультфильм. 7.00 Ритмик гимнастика. 7.30 ТСН. 7.45 «Библия тупроғида». Телефильм. 8.20 Тонгги дам олиш кўрсатуви. 8.50 «Сиз яратган боғ». 9.20 «Тонг юлдузи». 10.20 «Бурда моден» таклиф этади...». 10.50 «Славянча юриш». 13.00 «Образ». 14.00 «Уйқудаги гўзал» балетидан концерт-сюита. 14.45 «Марафон-15». 16.00 «Қийшиқ кўзгулар қироллиги». 17.30 «Халқаро панорама». 18.15 «Афсунгарнинг вориси». Бадиий фильм. 1 ва 2-серия. 21.15 «Бахтли тасодиф». 22.15 «Ёқмаса, ўчириб қўйинг». 23.15 А. Серовнинг янги пластинкаси таништирилади.

МТ ІІ

7.30 Эрталабки бадантарбия машқлари. 7.50 Мультфильм. 8.05 Рус тили. 8.35 Илмий-оммабоп фильм. 9.45 «Ўз-ўзингга мадад бер». 10.30 ТВ ТИВИ ҳақида. 11.30 Волейбол. 12.30 «Ҳамдўстлик» видеоканали. 13.30 Ўзбекистон телевидениесининг «Дўстлик» видеоканали. 15.30 «Ҳамдўстлик» видеоканали. 17.00 Мультфильм. 20.00 И. И. Чайковский. Романслар.

УзТВ ІІ

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ.

21.15 Хабарлар. 21.30 Кинонигоқ. 23.15 Москва. «Рўзномачилик тажрибасидан бир воқеа». Бадиий фильм.

• 26, якшанба

УзТВ І

8.00 «Ҳафтанома». 9.00 «Буюк аллома», «Минг йўл». 9.30 «Оқ йўл, «Зангори қушча». Бадиий фильм. 10.50 «Ўзбекистон спорти». 11.20 «Меҳнат бозори». 11.50 Араб тили. 12.20 «Навоий гулшани». 13.20 Деҳқончилик хўжалигининг истиқболлари. 13.50 Инглиз тили. 14.20 «Гул фаслидир». 15.30 «Косоннинг кумуш толаси». 16.00 «Эҳтиёт бўлинг сув». 18.00 Мультфильмлар. 18.30 «Кичкинтой» кўрсатуви. 18.55 «Сиҳат-саломатлик». 19.50 «Истиқбол». 21.15 «Якшанба оқшомида». 22.20 «Деҳқон ва замин». 23.00 «Вафо қилурмисан баҳорим».

МТ І

6.00 «Қалбда севинч». Ҳужжатли фильм. 6.30 «Тонг юлдузи». 7.30 ТСН. 7.45 «Здоровье». 8.15 «Спортлото». 8.30 «Эрта саҳарлаб». 9.30 «Ватан хизматида». 10.30 Тонгги дам олиш кўрсатуви. 11.00 «Саёҳатчилар клуби». 12.30 «Қишлоқ янгиликлари». 13.30 «Селинит». Телефильм. 13.40 «Жумбоқ». 13.45 «Сиз бунга қодирсиз». 14.45 «Катта опа». Бадиий фильм. 16.25 «Ким аслида ким?» 17.40 «Уолт Дисней таништиради...». 18.30 Якшанба кинозали. 21.15 «Белугиннинг уйланиши». Фильм-спектакль. Танаффус пайтида (22.50) — «Хронограф».

МТ ІІ

7.30 Зарядкага сафланинг! 7.45 Концерт. 8.00 Ҳужжатли фильм. 13.00 Телесеанслар бўйлаб. 14.15 Педагогика ҳамма учун. 14.45 Лўлиларнинг халқ қўшиқлари. 15.30 «Планета». Халқаро панорама. 16.30 Ўзбекистон телевидениесининг «Дўстлик» видеоканали. 18.30 Муаллифлик телевидениеси, 20.00 Муаллифлик телевидениеси. 21.15 Мультфильм.

УзТВ ІІ

«ТОШКЕНТ» СТУДИЯСИ КЎРСАТАДИ.

21.30 Ички ишлар бошқармаси хабар қилади. 21.45 «Мираж». 22.45 Волейбол. Жаҳон лигаси биринчилиги.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

ИККИНЧИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТИББИЁТ ОЛИЙ БИЛИМГОҲИ

1991 йил учун қуйидаги ихтисослар бўйича

КУНДУЗГИ АСПИРАНТУРАГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

анестезиология (2), кўз касалликлари, гигиена (2), ички касалликлар, педиатрия, юқумли касалликлар, теританосил касалликлари, асаб касалликлари, жарроҳлик, психиатрия, патофизиология кардиология, эпидемиология;

клиник ординатурага: ультратовуш ташхиси, акушерлик (2), эндикринология, қ улоқ-томоқ-бурун касалликлари (2), кўз касалликлари (2), юқумли касалликлар (2), педиатрия (3), тери-таносил касалликлари, даволаш машқлари, асаб касалликлари, онкология, психиатрия, нур ташхиси (2), травмотология, жарроҳлик (4), урология (2), ревматология, клиник фармокология (2), фтизиатрия, гематология, наркология.

Ректор номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатлар илова қилинади: кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа, таржимаи ҳол, иш жойидан тавсифнома-тавсиянома, диплом нусҳаси.

Аспирантура кирувчилар, шунингдек эълон қилинган ишлар рўйхатини ёки танлаган ихтисоси бўйича рефератни тақдим этадилар.

Олий ўқув юртлари учун амалдаги дастур ҳажмида махсус фан, фалсафа ва чет тилидан имтиҳон топширадилар.

ТАНЛОВ ИМТИХОНЛАРИ — 1991 ИЙЛ 1 ИЮНДА БОШЛАНАДИ.

Ҳужжатлар — 27 майгача қабул қилинади.

Ҳужжатлар қуйидаги манзилга юборилсин: 700109, Тошкент шаҳри, Форобий кўчаси, 2-уй. Телефон 46-46-37.

Танловда филология фанлари доктори, филология фанлари номзоди илмий даражасига эга бўлган етакчи олимлар иштирок этиши мумкин.

Танлов муддати — эълон чиққан кундан бошлаб 15 кун.

Манзилгоҳимиз: 700170, Тошкент шаҳри, И. Мўминов кўчаси, 9-уй. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Тилшунослик илмгоҳи илмий котиби. Телефон 62-43-67.

Моддий-техника таъминоти давлат-кооператив комитетининг
РЕСПУБЛИКА ТИЖОРАТ-АХБОРОТ БИРЛАШМАСИ
1991 ЙИЛ
21—23 МАЙ КУНЛАРИ
ЎЗБЕКИСТОН ССР ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ЮТУҚЛАРИ КЎРГАЗМАСИДА
корхоналар, ташкилотлар, маҳкамалар, кооперативлар, жамоа хўжаликлари ва давлат хўжаликлари учун

— фойдаланилмаётган маҳсулотлар, ўрнатилмаган ускуналарни хўжалик муомаласига жалб қилиш;

— маҳсулотларни айирбошлаш ва етказиб бериш юзасидан корхоналар ўртасида шартномалар тузиш бўйича

РЕСПУБЛИКА УЛГУРЖИ-САНОАТ ЯРМАРКАСИНИ ЎТКАЗАДИ

Кўргазма-ярмарка манзили: Тошкент шаҳри, Энгельс кўчаси, 107-уй, Ўзбекистон ССР Халқ хўжалиги ютуқлари кўргазмаси, 2-тематик павильон.

Иштирок этиш юзасидан талабномалар қуйидаги манзилга юборилсин: 700038, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 7-уй.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 34-53-87, 34-53-90, 41-16-60.

●

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ ТИЛШУНОСЛИК ИЛМГОҲИ
диалектология, терминология, луғат, рус тили, ўзбек тили тарихи ва турки тилларни қиёсий ўрганиш бўлимларининг мудирлари
БЎШ ЛАВОЗИМЛАРИГА
ТАНЛОВ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги вазирлиги қошидаги Маҳсулотларни тайёрлаш ва сифати бўйича Бош Давлат инспекцияси ходимлари етакчи мутахассис-назоратчи М. Бобоқуловга акаси

Мамасоли МАҲМУДОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат муаллимлар олий билимгоҳи ректорати, фирқа ва касаба уюшмаси қўмиталари ҳамда физика куллиёти жамоаси физика ўқитиш методикаси кафедрасининг доценти, республика аҳамиятига молик пенсионер

Усмон ОРИФЖОНОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Тошкент давлат маданият олий билимгоҳи ректорати, жамоат ташкилотлари, халқ чолғу асбоблари кафедрасининг катта ўқитувчиси Т. Йўлдошевга акаси

Олимжон Йўлдошевич КАРИМЖОНОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, А. С. УСМОНОВ, М. ҲАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХЎЖАЕВ (масъул котиб), М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.

БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700000, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 31-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, партия турмуши — 33-34-69, 33-38-55, 32-53-97, 32 57-19, саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-15, 32-53-70; совет қурилиши — 33-15-29, 32-57-20, 32-54-18; фан, маданият ва халқ таълими — 33-41 51, 32-57-21; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-35, 32-55-16; ахборот ва спорт—33-14-24, 32-55-17; ахлоқ одоб —32-54-29; фельетонлар—32-54-54-27; безатиш—32-57-22.

УЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ»
(«Советский Узбекистан»)
Орган ЦК Компартии Узбекистана

Нашр кўрсаткичи 64583.
Буюртма № 5881.

№ 94. ● Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. 700000 Тошкент ГСП. Ленинград кўчаси, 32. Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12